

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
доцент Х.Х.КОМОЛОВ
« ____ » _____ 2014 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра мудири _____
доцент О.ШЕРМАТОВ
« ____ » _____ 2014 йил

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим
йўналишининг битирувчиси СОБИРЖОНОВ БАХТИЁРНИНГ**

**БИТИРУВ-
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида
ўсимликларни химоя қилишнинг иқтисодий самарадорликка
таъсири

БМИ раҳбари: _____ и.ф.н. НОСИРОВ Б.З.
Бажарувчи: _____ СОБИРЖОНОВ Б.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир
Шерматов О.А _____
«_____» _____ 2013 й.

**Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг битирувчиси
Собиржонов Бахтиёрга битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси институт ректорининг 2013 йил 29 июндаги № 157-Ст (А) буйруғи билан тасдиқланган.**
- 2. БМИнинг мавзуси:** *Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни химоя қилишнинг иқтисодий самарадорликка таъсири*
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 30 » м а й 2014 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** *БМИ кириши, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.*
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** *Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг 2011-2013 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.*
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** *Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита химоя жараёнида фойдаланилади.*

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>21.12.2013</i>	
<i>1-боб. Фермер хўжалигида агротехника омиллари иқтисодий самарадорликка таъсири баҳолашнинг назарий асослари</i>			
<i>1.1. Фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоялаш орқали иқтисодий самарадорликни оширишнинг назарий асослари</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>30.01.2014</i>	
<i>1.2. Фермер хўжаликларида гўзанинг зараркунанда ва касалликлари келтирадиган зарарнинг кўлами ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>27.02.2014</i>	
<i>2-боб. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг ҳозирги ҳолати</i>			
<i>2.1. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароити</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>31.03.2014</i>	
<i>2.2. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>30.04.2014</i>	
<i>3-боб. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари</i>			
<i>3.1. Биопрепаратларни ишлаб чиқаришда ва қўллашда ишчилар меҳнат шароитларини яхшилаш</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>05.05.2014</i>	
<i>3.2. Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилишни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>20.05.2014</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>25.05.2014</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>26.05.2014</i>	

Топширик берилган вақти:
БМИ рахбари:
Битирувчи:

16 ноябрь 2013 йил.
и.ф.н. Носиров Б.
Собиржонов Б.

М у н д а р и ж а

Мазмуни	Бетлар
<i>Кириш</i>	4
<i>1-боб. Фермер хўжалигида агротехнологик омилларнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини баҳолашнинг назарий асослари</i>	10
<i>1.1. Фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоялаш орқали иқтисодий самарадорликни оширишнинг назарий асослари</i>	10
<i>1.2. Фермер хўжаликларида ҳўзанинг зараркунанда ва касалликлари келтирадиган зарарнинг кўлами ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири</i>	16
<i>2-боб. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг ҳозирги ҳолати</i>	22
<i>2.1. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароити</i>	22
<i>2.2. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари</i>	32
<i>3-боб. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни химоя қилишни янада такомиллаштириш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари</i>	45
<i>3.1. Биопрепаратларни ишлаб чиқаришда ва қўллашда ишчилар меҳнат шароитларини яхшилаш</i>	45
<i>3.2. Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни химоя қилишни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш</i>	48
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	62
<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	64

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодининг барча соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам 2013 йил улкан ютуқларга бой бўлди. Соҳадаги юксалишларни Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида эътироф этди.

Жумладан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди.¹

Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 9 та лойиҳа бўйича 5334,6 млн сўмлик ёки 143,6 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. Изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзида ҳам кенг кўламли

¹ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 январь мажлисидаги маърузаси

ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгилашлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хом-ашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди.

Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди. Натижада аҳоли жон бошига сабзавот ишлаб чиқариш 283,2 кг, картошка 76 кг, полиз 50,8 кг, мева 76,9 кг ва узум 43,2 кг. га тўғри келмоқда. Бу эса тиббий талаб меъёрига нисбатан 1,5–2,5 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда жами 71 минг 652 та фермер хўжалиги фаолият юритиб, уларга 5 млн. 854 минг 789 гектар ер майдонлари ижарага берилган, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келган ўртача ер майдони 81,7 гектарни ташкил этмоқда. 2013 йилда 18 минг 346 та фермер хўжаликларида қўшимча ишлаб чиқариш соҳаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатишни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Жумладан, 1525 та фермер хўжалигида қорамолчилик, 679 та фермер хўжалигида паррандачилик, 711 та фермер хўжалигида балиқчилик, 695 та фермер хўжалигида асаларичилик йўналишлари ташкил этилди ҳамда 446 та фермер хўжалигида 2,4 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 1365 та фермер хўжалигида 5527 гектар майдонда маҳаллий боғлар ва 999 та фермер хўжалигида 4,5 минг гектар майдонда янги токзорлар барпо этилди.

Ўтган йили миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Улкан хирмонга 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб

берилди. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир.

Юртбошимизнинг фермер хўжаликлари қишлоқларимизнинг таянч устунидир, дея таърифлагани бежиз эмас. Бу борада кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда.

Ўзбекистон ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна тасдиқлаб бермоқда.

Ўзбек моделининг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Ўзбекистон макроиқтисодий барқарорлик, босқичма босқич ўтказилаётган иқтисодий сиёсат, мустаҳкам молия-кредит тизими, тадбиркорлик учун яратилган қулай шароитлар, инвестицион жозибадорлик мавжудлиги эвазига иқтисодий тараққиётга эришмоқда.

Бозор иқтисодиёти тамойилларига мос эркин фаолият юритаётган фермер хўжаликлари шартнома асосида биолабориялар хизматидан фойдаланиб, ғўза ва буғдой ҳосилини ҳимоялаш ишларини бажармоқдалар.

Кейинги йилларда ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ишига катта аҳамият берилмоқда. Асосий йўналишларда ҳосилнинг зараркунанда касаллик ва бегона ўтлардан нобуд бўлишини камайитириш тадбирларини кўриш, бунда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситаларини кенг қўллаш ғоят муҳим вазифалардан биридир.

Пестицидларнинг кенг қўламда ишлатишнинг зарарли оқибатлари

маълум бўлиши туфайли кейинги йилларда биологик усулга қизиқиш тобора кучаймоқда.

Кейинги йилларда ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишни ишлаб чиқариш ва уни амалиётга жорий этиш борасида муайян ютуқларига эришилди. Масалан биологик усулга киришилганда республика бўйича атиги 2.6 минг гектарга жорий этилган бўлса, кейинги йилларда бу майдон 1416.1 минг гектарга ва хатто 5727.4 минг гектаргача кўпайди. Бу биологик усулнинг яхши самара берганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотлар, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўсимликларни ҳимоялаш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилмаса, ҳосилнинг 30-40% қисмигача нобуд қилиш ва ялпи ҳосил қийматини кескин камайтириб, фойданинг ва ниҳоят иқтисодий самарадорликнинг пасайишига сабаб бўлади. Фермер хўжалигининг мақсади эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш фаолияти давомида максимал фойда олишдан иборат бўлади. Шундай экан, самарадорликни оширишнинг ўсимликларни ҳимоялашдек бу муҳим омилини ҳаражатлар ва даромадлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш керак.

Маълумки, ўсимликларни ҳимоялаш ҳаражатлари моддий ҳаражатлар таркибидаги иш ва хизматлар учун ҳаражатлар туркумига тегишли бўлиб, унинг қиймати бевосита маҳсулот таннархига таъсир этади. Таҳлил қилаётган фермер хўжалигида пахта ва буғдой етиштириш учун сарфланган ўсимликларни ҳимоялаш ҳаражатларини олинган фойда билан таққослаш орқали иқтисодий самарадорликни баҳолаш мумкин. Бунинг самарадорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан

фойдаланиш мумкин.

Шу усулда ҳисобланганда ўсимликларни ҳимоялаш чоралари иқтисодий самарадорликни 25-30% гача ошириш имконини беради. Шунга қарамадан кўпгина фермер хўжаликлари бу муҳим агротехника тадбирига ҳаражат сарфлашдан чўчийдилар. Ўз навбатида биолабориялар ҳам бу хизмат сифатини яхшилаб, ўз вақтида меҳнати натижаларини кўрсата олишлари керак.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий ва амалий тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамиятини асослаш ва Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоялаш орқали самарадорликни ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқишдир. Асосий мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида кўйидаги асосий вазифалар режалаштирилган:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалигининг аграр иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантиришнинг аҳамиятини асослаш.

2. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалиги фаолиятини таҳлил этиш асосида хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда ўсимликларни ҳимоялашнинг самарадорликка таъсирини таҳлил қилиш.

3. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоялаш орқали самарадорликни ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида бирлдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва берилган таклифлардан Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни

химоялаш орқали самарадорликни ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр мулоҳазалардан бундан ташқари ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби асосланган. Асосий қисм 3 та бобдан иборат бўлиб, уларда ўқув ва илмий адабиётлар шарҳи, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигида тутган аҳамияти асосланиб, Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни химоялаш орқали самарадорликни ошириш имкониятлари ва бошқа масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган. Ишнинг хулоса қисмида бўйича Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни химоялаш орқали самарадорликни ошириш йўллари бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига мавзуга оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар ҳамда И.А.Каримов асарлари, махсус ўқув ва илмий адабиётлар, фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари ва фермер хўжалигининг бизнес режалари киритилган.

Битирув малакавий иши 66 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 10 та жадваллардан ва 3 та чизмадан фойдаланилди.

1-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА АГРОТЕХНИКА ОМИЛЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоялаш орқали иқтисодий самарадорликни оширишнинг назарий асослари

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририни 4-моддасида фермер хўжалигининг бошлиғи куйидагича белгиланган. «Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси – фермеридир. 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин».

Р.С.Азимов иқтисодиётни эркинлаштиришнинг моҳияти ва вазифаларини куйидагича асослайди. «...бу жараён барқарор иқтисодий ўсишга ва чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу билан бирга эркинлаштириш инвестиция манбаларини фаоллаштириш, ишлаб чиқарувчилар даромадларининг ортиши, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, рақобатни кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида ерга, мулкка, етиштирилаётган маҳсулотга эркин баҳо белгилаш ва эркин сотишга имконият яратиш орқали ҳақиқий мулкдорлар синфини мужассамлаштириш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга имкон яратади. Ва нихоят, буларнинг натижасида аҳолининг турмуш даражасини ошиб бориши таъминланади».

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовларнинг ерни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш жараёнидаги ўзига хос хусусиятларини куйидагича таърифлашади «Ер қишлоқ хўжалигида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу аввало, унинг чекланганлиги ва ўз унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш имконияти билан характерланади»

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда уни мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория эканлигини ҳисобга олиб бир қатор натурал

ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарурлигини айтишиб уни якунловчи асосий кўрсаткичи сифатида рентабеллик даражасидан фойдаланишни тавсия этишади.

Президентимиз И.А.Каримов фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришга алохида аҳамият бериб таъкидлайди «Модомики, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули экан, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, маъсулиятини ошириш, ерни уларга 50-100 йиллик муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин. Шуларнинг ҳаммасини инобатга оладиган бўлган, биз фермер хўжаликларини, таъбир жоиз бўлса, бамисоли ёш боладек асраб-авайлаб тарбиялашимиз лозим» (И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., Ўзбекистон – 2005 й. 72-73 бетлар).

О.З.Зокиров, А.А.Абдуллаев, Н.С.Махмудовларнинг асослашларича «Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи асосий иқтисодий кўрсаткич сарфланган бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган фойда билан аниқланади».

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматов, Г.М.Шодмоновларнинг кўрсатиш-ларича «Ортиқча иш кучини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан сиқиб чиқарилиши қонуниятли жараён бўлиб, у аграр соҳадаги ходимлар сони ўзини меъёрий даражасига етгунга қадар давом этади» (Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этишнинг аҳоли бандлигига таъсири. Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2003 й. 145 бет)

О.А.Шерматовнинг асослашича “пахтачилик иқтисодий самарадорлиги асосан натурал, қиймат ва тўлдирувчи (нисбий) характеридаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ўзаро узвий боғлиқлиги пахтачилик иқтисодий самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан комплекс фойдаланиш заруриятини асослайди”

Т.Эргашев, Р.Исмаиловларнинг таъкидлашларича, “Фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш, ишчи ва хизматчоларни моддий рағбатлантириш манбаи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойда ҳар қандай хўжалик юритиш субъектининг қолаверса, бутун иқтисодиётни

харакатга келтирувчи кучдир. Чунки фойда бермайдиган иш ёки фаолиятга ҳеч қўл урмайди, беҳудага сарф харажат қилмайди” (Иқтисодий саводхонлик асослари. Тошкент. Шарқ. 2001й. 62 бет.)

Б.Т.Салимов, Б.Б.Беркинов ва бошқаларнинг билдираган фикр-мулоҳазаларига кўра “Самарали хўжалик юритиш рақобатли бозор муҳитида хўжаликнинг яшовчанлиги ва тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар чекланган характерга эгша бўлиб, бу ҳолат улардан имкони борича унумли, самарали фойдаланишни талаб этади ” (Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўлланма. Тошкент 2004 й. 134 бет)

Фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш жараёнида ўсимликларни касаллик ва зараркурандалардан самарали ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кейинги йилларда об-ҳавонинг тез ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик экинларининг нормал ўсиб ривожланиши учун ноқулай шарт-шароитлар юзага келиши билан бир қаторда зараркуранда ва касалликларни тез ривожланиши учун қулай шароит пайдо бўлмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олиб фермер хўжалигида пахта етиштириш жараёнида ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш талаб қилинади.

Иқтисодий самарадорлик – бу бир сўмлик сарф харажат эвазига қанча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганини ўзида ифода этади. Демак ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келган фойдани уни етиштириш учун сарфланадиган харажатларга нисбати билан аниқланади (О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т.: 2005).

Айрим иқтисодчи олимлар иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизими орқали аниқланиши лозимлигини илгари сурадилар. Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб ғаллачилик иқтисодий самарадорлигини кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда ҳар бир кўрсаткич ўзига ҳос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқроқ бўлган ҳулосаларга келиш имкониятини беради. Ғаллачилик иқтисодий самарадорлиги натурал, киймат ва тўлдирувчи (нисбий) характердаги кўрсаткичлар тизими

оркали аникланиши тўғрироқдир

Рентабеллик иқтисодий самарадорлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичларидан ҳисобланиб, ўзида сарфланган бир сўмлик ҳаражат ҳисобига олинган фойдани ифодалайди. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида якуний, умумий хулоса чиқариш асосида тармоқ салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннархига ҳам боғлиқ эканлигини асослайди. Маҳсулот таннархи эса уни ишлаб чиқариш учун кетган пул материал ҳаражатлари ва иш ҳақидан иборатдир.

Ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари энг аввало ҳар бир ҳаражат турининг пахта ва буғдой ҳосилдорлигига қай даражада таъсир этишини яхши англаши ва шунга мувофиқ ҳаражатлар сарфини амалга ошириб бориши лозим. Фермер хўжаликларида буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ҳосилдорлик – ялпи ҳосилнинг центнер ҳисобидаг қийматини буғдой экилга майдонга нисбати орқали топилиб, ҳар бир гектар ерда хўжалик бўйича ўртача қанча микдорда ғалла етиштирилганлигини билдиради.

Ялпи маҳсулот етиштирилган ялпи ҳосилни 1 ц буғдойнинг ҳарид баҳосига кўпайтириш орқали аниқланади. Буғдой ҳарид баҳоси, топшириладиган доннинг синфига ва навига боғлиқ ҳолда табақалашган бўлади. Доннинг ҳарид баҳоси турли йиллардаги жаҳон бозоридаги нархи, инфляция даражаси, жорий йилдаги табиий-иқлим шароитига мос ҳолда сарфланган ўртача ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда давлат тайёрлов ташкилотлари томонидан шакллантирилади. Фермер хўжалигининг ялпи маҳсулоти минг сўм ҳисобида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари аввало асосий ва устама ҳаражатларга, маҳсулот таннархига киритилишига қараб тўғри ва эгри ҳаражатларга, ҳаражатлар таркибига қараб оддий ва комплекс ҳаражатларга, ишлаб чиқариш ҳажмига қараб доимий ва шартли ўзгарувчи ҳаражатларга бўлиш мумкин. Ушбу барча ҳаражатларни жамлаган ҳолда қиймат кўринишида ҳисобга олиниб, минг сўм ўлчов бирлигида ифодаланади (Б.Салимов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти, Т.:2004).

Иқтисодий самарадорликка бевосита таъсир этувчи ишлаб чиқариш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» да кўрсатилган. Унга кўра ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби қуйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларнинг элементлари:

а) ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари, яъни уруғлик ва кўчат харажатлари, минерал ўғитлар учун харажатлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, иш ва техник сервис хизматлари учун харажатлар, ўз техникаларини таъмирлаш учун сарфланган ресурслар учун харажатлар ва бошқа моддий харажатларни ўз ичига олади.

б) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

в) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар,

г) асосий фондлар амортизациясига ўтказма

д) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа моддий харажатлар

2. Таннархга киритилмайдиган, бироқ фойдани аниқлашда ҳисобга олинадиган давр харажатлари, яъни бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари, бошқа операцион харажатлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Бунга фоизлар бўйича тўловлар, мол-мулкни узоқ муддатли лизингга олиш тўловлари, қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар киради.

4. Фавқулодда зарарлар – сув тошқини, ёнғин, дўл жала каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгариши натижасида қўрилган зарарлар

Фермер хўжалигидаги етиштирилган доннинг ялпи маҳсулоти билан ишлаб чиқариш харажатларини фарқи хўжаликнинг ғаллачиликдаги фойдасини беради. Фойда ҳам минг сўм ҳисобида ўлчанади.

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг ғаллачиликдаги фойдасини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир. Рентабеллик даражаси бир бирлик ишлаб чиқариш харажатлари

эвазига қанча фойда олинганини билдиради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг ўртача 1 гектар экин майдонига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари, ялпи маҳсулот ва даромад ҳам самарадорликни аниқлашга асос бўлиши мумкин.

Юқоридаги бўлимда қайд қилинганидек, ўсимликларни ҳимоялаш чоратадбирлари ўз вақтида кўрилмаса, ҳосилнинг 30-40% қисмигача нобуд қилиш ва ялпи ҳосил қийматини кескин камайтириб, фойданинг ва ниҳоят иқтисодий самарадорликнинг пасайишига сабаб бўлади. Фермер хўжалигининг мақсади эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш фаолияти давомида максимал фойда олишдан иборат бўлади. Шундай экан, самарадорликни оширишнинг ўсимликларни ҳимоялашдек бу муҳим омилини ҳаражатлар ва даромадлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш керак.

Маълумки, ўсимликларни ҳимоялаш ҳаражатлари моддий ҳаражатлар таркибидаги иш ва хизматлар учун ҳаражатлар туркумига тегишли бўлиб, унинг қиймати бевосита маҳсулот таннархига таъсир этади. Таҳлил қилаётган фермер хўжалигида пахта ва буғдой етиштириш учун сарфланган ўсимликларни ҳимоялаш ҳаражатларини олинган фойда билан таққослаш орқали иқтисодий самарадорликни баҳолаш мумкин. Бунинг самарадорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан фойдаланиш мумкин. Шу усулда ҳисобланганда ўсимликларни ҳимоялаш чоралари иқтисодий самарадорликни 25-30% гача ошириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоялаш жараёнининг самарадорлиги охир оқибат унинг иқтисодий самарадорлигида акс этади. Шу нуқтаи назардан ўсимликларни ҳимоялаш самараси масалаларини бевосита иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

1.2. Фермер хўжаликларида ғўзанинг зараркунанда ва касалликлари келтирадиган зарарнинг кўлами ва унинг иқтисодий самарадорликка таъсири

Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари касаллик қўзғатувчилари ва бегона ўтларнинг қолиши, ривожланиш ҳамда зарарлилик даражасини об-хаво тупроқ шароитлари ва уларни етиштириш агротехикасига ҳамда етиштирилаётган экин навига боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқаришга зараркунанда ва касалликларга чидамли, серҳосил экин навларини яратиш, алмашлаб экиш тизимини, зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг илғор усулларини жорий этиш зарур.

Зараркунандалар хуружи ва турли касалликлар ер юзида улкан офат ҳисобланиб, улар қишлоқ хўжалик ўсимликлари ривожланиш даври ва маҳсулотларини сақлаш давомида ҳосилни жуда катта қисмини зарарлашига сабаб бўлади. Баъзи йилларда зарарли организмлар ҳосилнинг 60-80%ни қирибгина қолмай, ўсимликлар хайвонлар ва инсонда хавфли юқумли касалликларни оммавий равишда келтириб чиқаради.

Ўсимликларнинг биологик ҳимояси ҳақида кенг маънода гапирганда – бу зараркунандалар келтирадиган зарарини камайтириш мақсадида улар популяция микдорини чегаралайдиган йиртқичлар паразит ёки касаллик қўзғатувчиларни алоҳида қайд қилиш ўринлидир.

Биологик усули зараркунандаларга қарши курашда тирик организмлар: паразитлар, йиртқичлар ва патоген микроорганизмлардан фойдаланиш демакдир.

Какциялидлар оиласига мансуб вакиллари кенг тарқалган бўлиб улар экинларга хавфли зараркунандаларни йўқотишда катта аҳамиятга эга. Ўсимлик битлари (ширалар)га қарши курашда фойдаланилади. Фанда какцинепидларнинг 4200 тури маълум бўлиб, шулардан 200 тури МДХ

мамлакатларида қайд этилган. Ўрта Осиёда 160 та, Ўзбекистонда эса 2 та кенжа оила 25 авлодга мансуб 106 та тур ва кенжа тури учрайди.

Х.Кимсанбоевнинг таъкидлашича, ўсимлик битлари барглари шираларини сўради. Бундай ўсимликлар ривожланишда орқада қолиб ҳосилни 10-15% гача касаллантиради.

Кўсақлар очилганда ширалар ўзларидан чиқарган моддалар билан толани ифлосла ёпишқоқ қилиб қўяди ва пахта толаси қорайиб сифати бузилади. Битлар ҳароратга қараб 5-20 кунда ривожланади. Мавсум мобайнида 19-20та, беда бити эса 12-15та авлод беради. Ургочилари ёзда 18 кун яшайди. 150 та личинка тутайди. Сернам об-ҳаво битлар учун жуда қулай. Шираларни энтамофагларида бири олтинкўз у парда қанотлилар туркимига киради. Кўзлари ялтираб турувчи хашорат. Узунлиги 20-25 мм қанотларини ёйганда 40 мм гача боради.

Олтинкўз 30-45 кун яшайди. Ҳар куни 5-30 тагача ҳаёти давимда 250-500 тагача тухум қўяди. 1 та личинка ҳаёти давимда 500-600 тагача хашоратни нобуд қилади.

Хамраев М. фикрича, ғўзада энг зарарли ширалар ичида пахта ёки полиз, беда ёки акация катта ғўза шираси кучли зарарлайди. Полиз шираси Республикамизни ҳамма жойларида учрайди. Бу айниқса Фарғона, Тошкент вилоятларида кўп тарқалган. Полиз бити пахта ҳосилдорлигини камайтириш билан бирга ўсимлик сифатини ҳам пасайтиради. Бу битдан зарарланган ғўза толаси доғланади. Пахта толаси узунлиги ва мустаҳкамлиги пасаяди. Ғўза яна катта ғўза бити зарара келтиради. Бу бит ўсимликлардаги углеводни камайтиради. Натижада пахта ҳосилдорлиги ва сифати пасаяди.

Хўжаев Ш. ёзишича, ширалар ўсимликларни 90% шикастлайдиган ўта зарарли хашоратлардир. Шираларга қарши кураш асосан ўсимликларни ривожлантиришни биринчи ярмида ўтказилади. Тажрибаларни иккита бўлишдан мақсад шира сони ҳисоблаш турлича амалга оширилади.

Шираларни йўкотадиган йиртқичлар хашоратлар 7 нуктали хон қизи 5-8 мм. 1 та урғочиси 700 га яқин тухум қўяди. 1 та қўнғиз 100-200 та ширани ейди. 2 нуктали хон қизи 25 хил ўсимликлардаги ширалар билан озиқланади.

Уруғни дорилаш пахта, буғдой ва бошқа турдаги экинлар етиштиришда жуда катта аҳамиятга эга восита бўлиб, бир неча турдаги хавфли касалликлар ривожланиши олдини олади. Кимёвий дориларни синаш аввало ҳар хил навли сифатли уруғ танлаш ерни экишга тайёрлашдан бошланади. Синалаётган барча дорилар дастлаб лаборатори шароитида, сўнг дала шароитида ўрганилади.

Вўзада ўсимлик битларининг бир неча турлари озиқланади. Улардан ғўза ёки полиз бити акация ёки беда бити ва катта ғўза бити, Платников бити катта ғўза бити ва ғўза илдиз бити энг кўп зарар етказади. Кейинги вақтда профессор А.К.Мордвилнонинг бир бирига жуда ўхшаш бўлган иккита мустақил бит тури акация бити борлиги фикри Мамантова томонидан исботланди. Шу билан бирга Мамантова Нарзуқулов ва Давлатшиналар томонидан Ўрта Осиёда ғўзага ўсимлик битларининг беда бити зарар етказиши мумкин. Ўрта Осиёда умуман бўлмаганлиги тўғрисида фикир билдирилди. Бироқ бу масалани янада текшириш талаб этилди. Зарари бу битлар кўкламда ғўза гуллай бошлагунча ва кузда кўсаклар очилаётганида зарар етказади. Битлар кўкламда ғўзанинг ширасини сўриб уни сусайтиради. Ривожланишини сусайтиради. Илдиз бити эса ғўза майсаларини, улар дастлабки баргларини чиқараётганида нобуд қилади.

Катта ғўза бити ёш шоналарнинг тўкилишига сабаб бўлади. Вўза битлари ҳосилни 5%, айрим участкаларда эса 40%гача камайтиради.

Барг битлари айрим ўсимликларнинг 50-75%гача камайтиради. Бу битлар майсани учки қуртагини зарарласа майса бутунлай қурийди. Баъзи далаларда ғўза битлари пахта ҳосилини 40%гача камайтиради.

Акация бити тушган ғўза тупида ўрта ҳисоб билан 1,85 та кўсак нобуд

бўлади. Битлар кузда пахта сифатини камайтиради. Улар ўзларининг ёйсимон ёпишқоқ чиқиндиси билан пахтани ифлослайди, уларнинг чиқиндиларида ранги кукунга ўхшаш замбуруғлар авж олади, натижада пахта толаси қораяди. Ўрта Осиё бу ходисани “Шира” деб пахта толаларининг кўримсиз чиқинди билан ёпишиб қолинишини эса “Қора шира” деб атайдилар. Шира тушган пахтани заводларда тозаланганда улардан тола нам чиқади ва машиналарнинг иши оғирлашади.

Шира тушган пахтанинг толаси пишқ бўлмайди. Ғўза бити ғўзагагина эмас балки бодиринг, қовун ва қовоқ каби полиз экинларига ҳам анчагина зарар етказади. Бу хашорат қано, ловия, бамия экинларини қисман лавлаги, гаримдори, помидор тамаки экинларини ҳамда цитрус ўсимликларнинг зарарлайди.

Катта яшил бити Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистонда тарқалган. Жанубий Украинада бу битнинг *Acyrtosiphon gossypii* *poczosi* *mordv* деб аталадиган мустақил кенжа тури учрайди.

Ғўза битлари тенг қанотли хортумчалар туркумига (homoptera) қарашли майда хашоратлардир. Уларнинг узунлиги 2,5 мм гача бўлиб, катта яшил битининг узунлиги 4 мм гача етади. Битлар қанотсиз ҳамда қанотли формаларга ажралади. Қанотли битларга икки жуфт қаноти бор бу қанотлиларнинг олдинги жуфти кейинги жуфтига нисбатан анча узун бўлади.

Ғўза ёки полиз бити қанотсиз формасининг узунлиги 1,25-2,1 мм келади. Танаси тухум шаклида, туси оч яшил ёки сариқ рангдан тортиб тўқ яшил рангача бўлади. Кўклам ва ёз фаслида ўтсимон яшил ёки сарғиш ранг, кузга бориб эса тўқ яшил ранг битлар кўп учрайди.

Оёқ ва мўйловларининг ранги яшил. Уларнинг учлари сариқ мўйловларининг 2/3 қисмига яқин бўлади. Аксари битларда қорин қисмининг кейинги қисмида шира найчалари бор, бу найчалар битларнинг айрим турларини таниб олиш учун муҳим блги бўлиб ҳисобланади. Ғўза битида

шира найчаларининг узунлиги танасининг 1/5 қисмига тенг келади. Бу найчалар ёки уларнинг учлари қора бўлади.

Қанотли битларнинг узунлиги 1,2-1,3 мм келади. Танаси чўзинчок шакилда, ранги сариқ яшил ёки тўқ яшил қоринчасининг ён томонлари қора доғлар билан қопланган бўлади. Бош кўкраги, оёқ учлари ва шира найчаларининг ранги қора.

Қанотли битларнинг шира найчаси ва думчаси қанотсиз битларникига қараганда каттароқ. Битларнинг личинкалари личинка бўлиши билан етукларидан фарқ қилади. Қанотли битларнинг қанот бошланғичлари иккинчи личинкалик ёшида пайдо бўлади. Биринчи ёшидаги личинкаларнинг мўйловлари тўрт бўғимли, шира найчалари 0,4-0,5 мм узунликда бўлади. Яъни уларнинг эни ва бўйи баравар иккинчи ёшдаги личинкаларнинг мўйловлари 5 бўғимли шира найчаларининг бўйи кенглигига қараганда 3 баробар узун бўлиб, тананинг узунлиги 0,7-0,85 мм келади. 4 ёшдаги личинкаларида мўйловчалар 6 бўғимли, шира найчаларининг бўйи ва кенглиги тахминан 3 ёшдаги личинкаларники каби бўлиб, танасининг узунлиги 0,85-1,2 ммга етади.

Акация бити (*Aphis medicae koch*) гавдасининг катталиги полиз битиникига деярли тенг келади. Қанотсиз битнинг узунлиги 1,4-2,1 мм қанотли битники эса 1,2-1,8 мм бўлади, қанотсиз битники гавдасининг кенг, тухум шаклида, туси тўқ жигар рангдан тортиб то қори рангача бўлади. Боши ва кўкраги қоринчасига қараганда қорамтирроқ. Сонлари болдир учлари ва оёқ панжалари тўқ кўнғир рангда бўлади, болдирининг учларидаги бошқа қисми сариқ рангли, шира найчалари қора тусда, мўйловларининг узунлиги тана узунлигининг учдан икки қисмига тўғри келади. Қанотли битларнинг қоринчаси кўнғир рангли бўлиб, қоринчасидан қора кўндаланг чихиқлар ўтади боши ва кўкраги қора, мўйловчаларининг асосий бўғимлари қорамтир, бошқа қисмлари оқим сариқ рангли, шира найчалари қора рангли.

Қанотли битларнинг мўйловлари қанотсиз битларникига қараганда узунроқ бўлади. Личинкалари тўқ жигарранг хира рангли тухумидан янги чиққан личинкалари тўқ яшил рангли бўлади.

Ширалар. Битларнинг бир неча тури ғўзани зарарлаши мумкин. Булардан беда ёки акация бити пахта ёки полиз шунингдек катта ғўза бити энг хавфли ҳисобланади.

Ўсимликларга тушган ширалар барг тўқишларини сўриб шикастлайди. Улар сўлакларини хужайра ширасига юбориб унинг структурасини ўзгартиради. Ундаги эриган озиқ моддаларни сўради ва баргни зарарлайди. Поя ва илдиздаги углеводларни запаси кескин камаяди. Қаттиқ шикастланган барглар шаклини ўзгартиради ва буралиб қолади. Ўсимлик бутун ўсмай қўяди. Зарарланган ўсимликларда ҳосил 15-20%гача камайиши мумкин. Ғўза кўсаги етилаётганда битлар ўз ширалари билан толани ифлослаб ёпишқоқ қилиб қўяди. Оқибатда пахтани қайта ишлаш қийинлашади.

Ширалар ҳавонинг ҳароратига қараб 13-20 кун давомида ривожланиши мумкин. Мавсум мобайнида 20-26 беда шираси (12-15) бўғин беради. Урғочилари ёзда 18 кун яшайди. Урғочи бит ўз ҳаёти давомида 150 тагача личинка туғади. Личинкалари ривожланиб бориб тўрт марта тулайди ва беш ёш кечирази.

Шираларга қарши кураш ширалари зараркунанданинг оммавий тусда кўпайишига ғов бўладиган ташкилий – хўжалик агротехник тадбиридан ҳамда кимёвий химоя қилиб қириб юборишдан иборат бўлади.

Шираларга қарши киёвий кураш ўтказиш ҳар бир далада ширалардан фойдали хашоратлар нисбатини аниқлаш лозим. Агар 100 та ширага 4-5 тадан йиртқич тўғри келса кимёвий ишлов бериш талаб қилинмайди.

2-БОБ. ЖАЛАҚУДУҚ ТУМАНИДАГИ УМИД СОҲИБИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиб фермер хўжалигининг табиий- иқтисодий шароити

Қишлоқ хўжалиги тармоғида муҳим ижобий натижалар қўлга киритилиб, 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 7 фоиз ўсишга эришилди. 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Улкан хирмонга 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди. Аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш бўйича ўсишга эришилди. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги пахта (99%) ва ғалланинг (81%) асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Дехқон хўжаликлари эса устун равишда сут (96,8%), чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари (95%), картошка (83,4%) ва сабзавот (66,5%) маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Узум, мева ва резаворлар, полиз экинлари ҳам фермер, ҳам дехқон хўжаликлари томонидан деярли бир хил салмоқда етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа шакллариининг маҳсулот етиштириш ҳажмидаги улуши йилдан-йилга қисқариб бормоқда. 2013 йилда улар томонидан чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларининг 2,5%, узумнинг 2%, мева ва резаворларнинг 1,5%, полиз экинларининг 1,4%, ғалланинг 1,3% етиштирилган.

Ўтган йилда амалга оширилган ўзгариш ва ислохотлар жорий ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигининг ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишига ишончли замин

яратди.

Хисобот даврида, яъни 2011-2013 йиллар давомидаги иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилган Умид соҳиби фермер хўжалиги Жалақудук туманидаги фермерликни ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнида танлов якунлари бўйича 2006 йил 28 декабрдаги Жалақудук тумани ҳокимининг 493-К-сонли қарори билан ташкил этилган бўлиб, мазкур фермер хўжалиги Ўзбекистон 5 йиллиги массивида жойлашган.

Фермер хўжалиги пахта ва буғдой етиштиришга ихтисослаштирилган. Фермер хўжалигига тажрибали қишлоқ хўжалик ходими, собиқ ширкат хўжалигида агрономлик қилган Алимов Салимжон бошчилик қилади. Фермер хўжалиги раҳбари 1990 йилда Андижон пахтачилик институтини тамомлаб, агроном ихтисослигини олган.

Мазкур фермер хўжалиги жойлашган ҳудуд вилоят марказидан 35 км, туман марказидан 6 км узоқликда жойлашган бўлиб, хўжаликнинг экин майдонлари Жалақудук туманининг Ўзбекистон 5 йиллиги массивида жойлашган. Фермер хўжалиги экин майдонлари темир йўл станциясидан 6 км, унга хизмат кўрсатувчи МТП ОАЖдан 5 км, нефтбазадан 6 км, дон қабул қилиш шохобчасидан 5 км, пахта тозалаш заводидан 7 км, пиллакашлик корхонасидан 6 км узоқликда жойлашган. Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалиги ғарб томондан Элмурод Абдулла ота фермер хўжалиги билан ва жануб томондан Абдувоит Абдуллажон фермер хўжаликлари, шарқдан ва шимолдан «Гавхарой Соҳибабону» фермер хўжалиги билан чегарадош. Фермер хўжалигининг ҳисоб рақами Агробанкнинг Охунбобоев филиалида очилган. Фермер хўжалиги тасарруфида 6 та техника бўлиб, улар 1 та БТ-150 хайдов трактори, 2 та ТТЗ-80 чопиқ трактори, 1 та Т-28х4 транспорт трактори, Класс-Доминатор дон ўриш комбайни, ПАЗ-672 автобуси мавжуд. Шунингдек, фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда турли савдо дўконлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар ва бошқа турли инфратузилма субъектлари мавжуддир. Фермер хўжалигига қарашли бўлган экин майдонларини

суғоришда Шахрихонсой каналидан келадиган ариқ оқава сувлардан фойдаланилади. Фермер хўжалиги экин майдонларининг ўртача бонитет бали 60 ни ташкил этиб, карталар сони 7 тага тенг (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари микдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган кенг кўламли ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2011 йил ноябр ойида бутун Ўзбекистон бўйича ўтказилганидек, Жалақудуқ туманида ҳам фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштирилди. Ушбу жараёнда Умид соҳиби фермер хўжалигининг кўрсаткичлари ижобий баҳоланиб, шу массивдаги бонитет бали нисбатан паст, яъни 62 бўлган бўлган «Бахт гулшани» фермер хўжалигининг 23 гектарли ҳамда «Беғубор шабнам» фермер хўжалигининг 21,7 гектарли жами 44,7 гектарли майдон 2011 йил охиридаги оптималлаш жараёнида хўжаликка қўшиб берилган.

Бунга сабаб фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва буларнинг натижасида ижобий рентабелликка эришаётганлиги даражаси ҳисобланади.

Умид соҳиби фермер хўжалигининг бошлиғи Алимов Салимжон 1974 йил 10 апрелда туғилган, 3 та фарзанди бор. Касби агроном. Иш стажи 15 йил, маълумоти олий. Олдин собиқ ширкат хўжалигида бригадир бўлиб ишлаган.

Табиий шароити пахта ва ғалла етиштириш учун қулайдир. Охириги 2013 йилда самарали ҳарорат пахта етиштириш учун меъёрий ҳолатда бўлди.

Хўжаликда вегетация даврининг давомийлиги 162 кунни ташкил этади.

1-жадвалдан хўжаликнинг экин майдонлари ҳолати ҳақида маълумот олиш мумкин. Умид соҳиби фермер хўжалигига қарашли экин майдонларида унумдор ноқоратупроқ бўлиб, ўртача 65 бонитет бали билан баҳоланган. Фермер хўжалигининг 2013 йил ҳолатидаги ер участкаси ҳажми 138 гектар, шундан экин майдони 128 гектар бўлиб, 7 та суғориш карталарига бўлинган. Контурларнинг майдони ўртача 18,6 гектарни ташкил қилади.

1-жадвал

Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупроқ бонитет баллари тўғрисида маълумот

№	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдони, га	Уртача бонитет бали	Карталар сони
	Кадастр гурухлари	Синфлари				
1	1 кадастр гурухи	1 синф 2 синф	0дан 10 гача 11дан 20 гача			
2	2 кадастр гурухи	3 синф 4 синф	21дан 30 гача 31дан 40 гача			
3	3 кадастр гурухи	5 синф 6 синф	41дан 50 гача 51дан 60 гача			
4	4 кадастр гурухи	7 синф 8 синф	61дан 70гача 71дан 80 гача	138	65	7
5	5 кадастр гурухи	9 синф 10синф	81дан 90гача 91дан 100 гача			
	Жами			138	65	7

Фермер хўжалиги экин майдонлари катта каналдан сугорилади. Сув билан таъминланиш даражаси 2011 йилда меъёрдагига нисбатан 80-85% ни ташкил этган холос. Мазкур ҳолат экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши ва бунинг натижасида иқтисодий самарадорликни қисман пастлашига олиб келган. Аммо 2012-2013 йилларда сув таъминоти яхшиланди ва мўлжалдагидан ҳам кўпроқ ҳосил олишга эришилди.

Умид соҳиби фермер хўжалиги рельефи текис майдонларга жойлашган. Тупроқ юзасидан сизот сувларининг чуқурлиги даражаси ўртача 4,5 метрни ташкил этади Хўжаликдаги экин майдонлари шўрланган бўлиб,

бу борада ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича махсус чоратадбирлар амалга оширишни талаб этади.

Жалақудуқ туманида қишлоқ хўжалиги экинлари олиши мумкин бўлган йиллик ҳарорат ҳамда ёғинлар миқдори етарли бўлиб, экин майдонлари пахта ва ғалла етиштириш талабларига жавоб беради.

Ер кадастри ва ерни иқтисодий жihatдан баҳолаш тупрокни унумдорлик кувватини аниклаш демакдир. Бу кўрсаткич 100 балл билан баҳолаш ёрдамида амалга оширилади. Тупроқ канча юкори баллга эга бўлса у шунча унумдор эканлигидан далолат беради. Бу эса ерларни ижарага бериш, ижара хаки, соликка тортиш масалаларини тугри хал қилишга ёрдам беради. Ердан фойдаланиш даражаси сувдан фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Жаҳондаги қупчилик сугориб деҳқончилик қилинадиган мамлакатларда сув деҳқонларга товар сифатида сотилиши олдиндан йулга қуйилган бўлиб, бу сувдан самарали фойдаланиш имқониятини яратмокда.

Умид соҳиби фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта, бугдой ва такрорий экинлар эқилади. Фермер хўжалиги тасарруфидаги экин майдонларининг фаолият давомидаги 3 йил мобайнидаги тарқиб, экинлар структураси ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда батафсил келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Умид соҳиби фермер хўжалигининг экин майдони таҳлил этилаётган 2011-2013 йилларда бир ярим мартага, яъни 52,4%га ошган. Хўжаликдаги пахта майдонлари 28,4 гектардан 30,7 гектаргача ошиб, 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 8,1%га ошган. Бугдой эқилган майдонлар эса 17 гектардан 19,8 гектаргача етган ёки 16,5%га ортган.

Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 62,6% дан 60,8% га, ғалла майдонларининг улуши эса 37,4% дан 39,2% гача ўзгарган. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 8,2% га ошган, бугдой ҳосилдорлиги эса, 5% га ошган.

Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг экин майдонлари
ва унинг таркиби

№	Кўрсаткич-лар	ўлчов бирли ги	2011 й		2012й		2013й		2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
			Мик-дори	%	Мик-дори	%	Мик-дори	%	
1.	Жами экин майдони	га	84	100	128	100	128	100	152,4
2	Шундан: пахта	га	40,3	48,0	55	43,0	62,4	48,8	154,8
	Хосилдорлик	ц\га	30,2	х	30,9	х	31,1	х	103,0
	Ялпи хосил	ц	1257,4	Х	1749,0	х	2084,2	х	165,8
3	Буғдой	га	43,7	52,0	73	57,0	65,6	51,3	150,1
	Хосилдорлик	ц\га	59,1	Х	62,5	х	63,3	х	107,1
	Ялпи хосил.	ц	2582,7	Х	4562,5	х	4152,5	х	160,8
4	Ходимлар сони	нафар	56	100	58	100	63	100	112,5
	Шундан: пахтачиликда	нафар	48	85,7	50	86,2	53	84,1	110,4
	Дончиликда	нафар	8	14,3	8	13,8	10	15,9	125,0
5	Ерни бонитет бали	балл	65	Х	65	х	65	х	100,0

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини, тайёрланган маҳсулотнинг сифатини ошириш кўп ҳолларда ижрочиларнинг меҳнат натижаларига боғлиқ. Шунинг учун хўжаликларда ходимларнинг меҳнат фаолиятини энг самарадор қилишни таъминловчи, ходимларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи ташкилий – техникавий шароит яратиш мақсадида меҳнатни ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асослашган меҳнат нормаларини белгилашнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда иш вақтидан самарали фойдаланиши асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятларини қидириб топиш, яъни меҳнатни асосланган тарзда ташкил

этиш ва уни таҳлил этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади (Г.Давлатова. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. - Фарғона, 2006).

Меҳнат ресурслари деб, ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади.

3-жадвал

Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тугрисида маълумот

№	Аъзоларнинг фамилияси ва исми	Тугилган йили	Маълумоти	Касби	Иш стажи	Фермер хўжалиги бошлигига кариндош-уруғчилик алоқаси	Кушимча эгаллаган касби
1	Алимов Салимжон	1974	ўрта	ф/х бошл	19	ф/х бошл	агроном
2	Алимов Мурод	1977	олий	Бухгалтер	14	укаси	тадбиркор
3	Салимов Азамат	1988	олий	тракторчи	3	жияни	-
4	Қамчиева Махфуза	1988	ўрта	ишчи	3	жияни	
5	Усмонова Халима	1966	ўрта	ишчи	20	-	чевар -
6	Усмонова Махфуза	1964	ўрта	ишчи	15	-	ҳамшира
7	Тохиров Камол	1979	ўрта	ишчи	10	жияни	сваршик
8	Махмудов Махкам	1975	ўрта	ишчи	14	жияни	-
9	Юнусова Саида	1982	ўрта	ишчи	8	-	Чевар
10	Иминов Жасур	1979	ўрта	ишчи	10	-	Дурадгор
11	Максудова Сорахн	1964	ўрта	ишчи	15	-	-
12	Тохиров Ёқубжон	1979	ўрта	ишчи	10	-	-
...	...	...	...	...	...	...	...
51	Камолов Иброхим	1975	ўрта	ишчи	14	-	-
52	Парпиев Шухрат	1982	ўрта	ишчи	8	-	-
53	Махмудов Бахром	1979	ўрта	ишчи	10	-	Дурадгор

Умид соҳиби фермер хўжалигида 53 нафар ходимлардан 43 нафари пахтачиликда, 10 нафари эса ғаллачиликда иш билан банд.

Фермер хўжалигини ўрта маълумотли агроном Алимов Салимжон таъсис этган ва ҳозиргача бошқариб келмоқда. Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги Жалақудук туманидаги илғорлардан ҳисобланади. Фермер хўжалигининг аъзолари ҳақидаги батафсил маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг аъзолари ўз фаолият тури бўйича тегишли маълумотга эга бўлмасада, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича маълум тажрибага эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фермер хўжалигининг 53 нафар аъзоси бўлиб, барча ишчилар 1 йиллик шартнома асосида меҳнат қиладилар.

Фермер хўжалиги ҳисобчиси Алимов Мурод маълумоти ўрта махсус, стажи 14 йилни ташкил этади. Фермер хўжалигининг барча ишчилари яқдил равишда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишини англаган ҳолда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришга интилмоқдалар.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштиришни ташкил этиш учун албатта асосий воситаларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Мазкур фермер хўжалиги тасарруфида 6 та техника булиб, улар 1 та БТ-150 хайдов трактори, 2 та ТТЗ-80 чопиқ трактори, 1 та Т-28х4 транспорт трактори, Класс-Доминатор дон ўриш комбайни, ПАЗ-672 автобуси мавжуд. Барибир бир қанча қишлоқ хўжалиги ишлари бажариш учун зарур техника муқобил МТПдан олганлиги учун маҳсулот таннарининг бир оз кўтарилишига олиб келмоқда. Хўжалик охириги йилларда етарлича фойда олаётгани сабабли лизинг асосида замонавий Claass Dominator комбайнини 2012 йилда сотиб олган.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланилгани туфайли охириги йилларда барча сохалар қатори қишлоқ хўжалик соҳасида

хам айтарли ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Буни биз Умид соҳиби фермер хўжалигининг охирги уч йил мобайнидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида яққол кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги батафсил маълумотлар 4- жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	84	128	128	152,4
	а) пахта	га	40,3	55	62,4	154,8
	б) бугдой	га	43,7	73	65,6	150,1
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	116934,5	205759,2	247616,5	211,8
	Шундан иш хаки	м.с	31125,9	54243,0	65699,4	211,1
3	Ходимлар сони	нафар	56	58	63	112,5
4	Ялпи маҳсулот	м.с	143218,5	267482,8	322454,6	225,1
5	Фойда	м.с	26284,1	61723,6	74838,1	284,7
7	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1705,0	2089,7	2519,2	147,8
	б) фойда	м.с	312,9	482,2	584,7	186,9
8	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2557,5	4611,8	5118,3	200,1
	б) иш хаки	м.с	555,8	935,2	1042,8	187,6
9	Рентабеллик	%	22,5	30,0	30,2	+7,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охирги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари анча ошган. Буни биз иқтисодий самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи хисобланган рентабеллик даражасини 22,5 ва 30,2 фоизли кўрсаткичидан яққол кўришимиз мумкин. Шунингдек фермер хўжалигида охирги уч йил мобайнида ялпи маҳсулотнинг ўсиши 2,25

марта, фойданинг ўсиши 2,84 марта ва бир ходим ҳисобига ялпи маҳсулот миқдори 2 мартага ўсган. Юқоридаги келтирилган натижалар фермер хўжалигида аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб борилаётганлигидан далолат беради.

Фермер хўжалигининг кенгайишига сабаб унинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва буларнинг натижасида ижобий рентабелликка эришаётганлиги даражаси ҳисобланади.

2.2. Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Маълумки, аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар тармоқда хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини мақбуллаштириш асосида пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш орқали мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Пахта экин майдонларини қисқариши, фермер хўжалиги фаолият юритиши шароитида пахта ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш ва тармоқ самарадорлигини ошириш зарурияти, бу масалани бозор талабларига мос ҳолда ҳал этилишини тақозо этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади. Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва ҳаражатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади.

Пахта етиштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ҳаражатларни камайтириш аграр соҳа иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг асосий вазифасидир. Чунки пахта ҳам ашёси саноат корхоналари учун ўта муҳим ва зарурий маҳсулот ҳисобланади. Бундан ташқари, пахта ҳам ашёси республикага валюта тушумининг салмоқли қисмини таъминлаб берувчи муҳим стратегик товар ҳисобланади.

Пахта етиштиришда кейинги йилларда бир қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, пахта етиштиришни кўпайтириш экин майдонлари ҳисобига эмас, аксинча ҳаражатларни камайтириб, ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига эришилмоқда.

Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида 30,7 гектар майдонда пахта етиштирилиб, 2013 йилда гектарига 34,5 центнердан юқори ҳосил олинган. Пахта майдони таҳлил даврида 8,1%га ошган.

5-жадвалда Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари акс эттирилган.

5-жадвал

Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта ишлаб
чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	40,3	55	62,4	154,8
2	Ҳосилдорлик	ц/га	30,2	30,9	31,1	103,0
3	Ялпи ҳосил	ц	1217,1	1699,5	1940,6	159,5
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	67935,8	98685,5	133102,1	195,9
	Шундан иш хаки	м.с	19905,2	28224,1	39132,0	196,6
5	Ходимлар сони	нафар	48	50	53	110,4
6	Ялпи маҳсулот	м.с	80234,4	121572,7	158599,6	197,7
7	Фойда	м.с	12298,6	22887,2	25497,5	207,3
9	1ц пахтани таннархи	сум	55819,6	58067,4	68586,7	122,9
10	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	65924,8	71534,4	81725,4	124,0
11	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1990,9	2210,4	2541,7	127,7
	б) фойда	м.с	305,2	416,1	408,6	133,9
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1671,6	2431,5	2992,4	179,0
	б) иш хаки	м.с	414,7	564,5	731,6	176,4
13	Рентабеллик	%	18,1	23,2	19,2	1,1


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта етиштиришда 2011-2013 йилларда иқтисодий самарадорлик анча ошган. Буни биз якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 18,1% дан 19,2%гача ошган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан бир оз пастдир.

Рентабеллик ошишининг омили сифатида эса ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсишини кўрсатиш мумкин. Ҳақиқатдан, 2011-2013 йилларда ишлаб чиқариш харажатлари 95,9%га ошган бир пайтда ялпи маҳсулотнинг ҳажми 97,7%га ошган. Ялпи маҳсулот билан ишлаб чиқариш харажатларининг фарқи сифатида топиладиган фойда микдори таҳлил даврида 12298,6 минг сўмдан 25497,5 минг сўмгача етган ёки 2 мартага ошган.

Ишлаб чиқариш харажатларини ялпи ҳосилга бўлиш натижасида 1 ц пахтанинг таннархини топиш мумкин.

1-чизма

Жалакудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида бир центнер пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари (сўм)



1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми 1990,9 минг сўмдан 2541,7 минг сўмга етган ёки 27,7 фоизга ошган. Фермер хўжалигининг 1 гектардан олинган фойдаси эса 2011 йилдаги 305.2 минг сўмдан 2013 йилда 408,6 минг сўмгача етган.

1-чизмадан ҳам кўриниб турибдики, Умид соҳиби фермер хўжалигида таннарх 2011 йилдаги 55819,5 минг сўмдан 2013 йилда 65586,7 минг сўмга етган ёки 22,9 фоизга ошган. Давлат буюртмаси учун контрактация шартномаси асосида етиштирилган 1 ц пахтанинг сотиш баҳоси 2011 йилдаги 65924,8 минг сўмдан 2013 йилда 81725,4 минг сўмга етган ёки 24 фоизга ошган.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча ҳаражатларининг пулдаги фойдаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий ҳаражатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа ҳаражатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш ҳаражатларининг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган.

Пахта етиштириш жараёнида пахта таннарихига кирувчи ҳаражатларни кўриб чиқадиган бўлсак, шу Низомга асосан моддий ҳаражатлар, иш ҳақи,

ижтимоий ажратмалар, амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар киради. Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгаришини 6-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

6-жадвал

Жалақудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби.

№	Харажатлар тури	2011 й		2012 й		2013 й	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1	Моддий харажатлар	35734,2	52,6	50033,6	50,7	71475,8	53,7
	а) уруглик	6318,0	9,3	8487,0	8,6	10781,3	8,1
	б) угитлар	8424,0	12,4	12434,4	12,6	19566,0	14,7
	в) Ё.М.М	7269,1	10,7	11546,2	11,7	17436,4	13,1
	г) иш ва хизматлар	7065,3	10,4	7500,1	7,6	12245,4	9,2
	д) бошқа моддий харажатлар	6657,7	9,8	10065,9	10,2	11446,8	8,6
2	Мехнат хаки харажатлари	21060,1	31	29309,6	29,7	39132,0	29,4
3	Ижтимоий ажратмалар	5054,4	7,4	7327,4	7,4	9783,0	7,4
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	4483,8	6,6	8783,0	8,9	7586,8	5,7
5	Бошқа харажатлар	1630,5	2,4	3157,9	3,2	5057,9	3,8
	жами	67935,8	100	98685,5	100	133102,1	100

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта етиштириш учун сарфланган харажатлар барча элементлар бўйича 2011 йилга нисбатан ортган. Жумладан, моддий харажатлар жами ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли 52-53 фоизини ташкил этган.

Умид соҳиби фермер хўжалигида минерал ўгитлар учун харажатлар 2011 йилда 8424 минг сўмдан 2013 йилда 19566 минг сўмга етган. Жами

харажатлар таркибида эса 14,7%ни ташкил этган.

Пахта етиштириш жараёнида дехконнинг каноти бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини урни жуда катта. Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун харажатлар талаб қилади. Шу ўринда дизел ёқилғиси учун харажатлар салмоқли аҳамият касб этади. Таҳлил даврида Умид соҳиби фермер хўжалигида ёқилғига 7269,1 минг сўмдан 17436,4 минг сўмгача, яъни жами харажатларнинг 10,7-13,1 фоизи микдорида харажат килинган.

Биз таҳлил қилаётган ушбу тадқиқот ишининг мақсадига мос ҳолда фермер хўжалигида ўсимликларни ҳимоялаш харажатлари ва унинг самарадорлиги батафсил таҳлил қилинаётганлиги сабабли уни охириги параграфда кўриб чиқамиз.

Фермер хўжалиги аъзолари иш хаки тулаш учун харажатлар жамига нисбатан 29,4 фоизни ташкил этган. Иш хаки фондига 2011 йилда 21060,1 минг сўмдан 2013 йилда 39132 минг сўмга етган.

Хўжаликда мавжуд бўлган ва салмоқли ўринга эга бўлган асосий воситаларига амортизация тўловлари таҳлил даврида 4483,8 минг сўмдан 7586,8 минг сўмгача ўтказилган.

Жами ишлаб чиқариш харажатлари 2011 йилдаги 67935,8 минг сўмдан 2013 йилда 133102,1 минг сўмгача ўзгарган.

Етиштирилган пахта хосилининг ялпи маҳсулоти микдори тайёрлов корхоналарига етказилган пахтанинг қайси навга қабул қилинишига боғлиқ. Энди хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик омилларидан бўлган пахта сифатини кўриб чиқамиз. 7-жадвалда Умид соҳиби фермер хўжалигида етиштирилган пахтанинг навлар бўйича тақсимланиши акс эттирилган.

Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигини сотилган жами пахтасини навлар бўйича таксимланиши.

Сотиш навлари	Синфлар	2011 й		2012 й		2013 й	
		мик-дори, ц	%	мик-дори, ц	%	мик-дори, ц	%
I	1	953,0	78,3	1344,3	79,1	1721,3	88,7
	2						
	3						
	Жами	953,0	78,3	1344,3	79,1	1721,3	88,7
II	1	87,6	7,2	214,1	12,6	165,0	8,5
	2						
	3						
	Жами	87,6	7,2	214,1	12,6	165,0	8,5
III	1	64,5	5,3	122,4	7,2	54,3	2,8
	2						
	3						
IV	1						
	2						
	3						
V	1	112,0	9,2	18,7	1,1		
ХАММАСИ		1217,1	100	1699,5	100	1940,6	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда Умид соҳиби фермер хўжалигида сотилган пахтанинг 78,3 фоизи ёки 953 центнери юқори 1-навларга тегишлидир. Бундан ташқари, 87,6 ц ёки 7,2% пахта 2-навга, 64,5 ц ёки 5,3% пахта 3-навга, ниҳоят 83,3 ц ёки 9,2% пахта энг паст 5-навга топширилган.

2012-2013 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 70% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2013 йилда 88,7% пахта 1-навга топширилган. 1-навдаги пахта учун олинган ҳақ жами 142,2 млн сўм микдорида бўлган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган.

Умид соҳиби фермер хўжалигида суғориш учун сув билан

таъминланганлик даражаси яхши эмас. Ҳозирги кунда каналдан олинадиган сув меъёрдагидан кўра 2011 йилда 13% га кам бўлган. Бу ҳолат ғўза агротехикасининг бузилишига, 1-2 марта ёзги суғоришдан қолишига олиб келган. Шу нуқтаи назардан каналдан сув тортиш учун кўшни фермерлар билан СФУ га уюшган ҳолда ҳамкорликда насос ўрнатиш орқали сув таъминотини яхшилаш зарур эди. Тегишли чораларни ўз вақтида кўриш натижасида бу ҳолат 2012-2013 йилларда яхшиланди. Энди суғориш бўйича пахтада ҳам, ғаллада ҳам муаммо кузатилмади.

Умид соҳиби фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида Андижон-35 пахта нави экиб келинган. Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта етиштиришни 25-30% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тузиш зарур.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади. Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва ҳаражатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан буғдой дони етиштириш учун илмий асосланган агротехника чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган. Унга кўра ўз муддатларида тупроқни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш зарур

бўлади. Бундан ташқари иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, амортизация фондида тўловлар ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси маълум даражадаги харажатларни талаб қилади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эркин нархлар амал қилувчи бозор иқтисодиётида моддий –техника ресурсларининг нархлари ва ўз навбатида бугдой ишлаб чиқариш харажатлари объектив тарзда ўсиб боришини келтириб чиқаради.

8-жадвал

Жалакудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида бугдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	43,7	73	65,6	150,1
2	Хосилдорлик	ц/га	59,1	62,5	65,5	110,8
3	Ялпи хосил	ц	2582,67	4562,5	4296,8	166,4
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	48998,7	107073,7	114514,4	233,7
	Шундан иш хақи	м.с	11220,7	26018,9	26567,4	236,8
5	Ходимлар сони	нафар	8	8	10	125,0
6	Ялпи махсулот	м.с	62984,1	145910,1	163855,0	260,2
7	Фойда	м.с	13985,4	38836,5	49340,6	352,8
9	1ц бугдойни таннари	сум	18972,1	23468,2	26651,1	140,5
10	1ц бугдойни сотиш баҳоси	сум	24387,2	31980,3	38134,2	156,4
11	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1441,3	1998,8	2497,8	173,3
	б) фойда	м.с	320,0	532,0	752,1	235,0
12	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	7873,0	18238,8	16385,5	208,1
	б) иш хақи	м.с	1402,6	3252,4	2656,7	189,4
13	Рентабеллик	%	28,5	36,3	43,1	+14,5

8-жадвалда Жалакудук туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган 2011-2013 йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Экин майдони таҳлил даврида 50,1%га ошган.

Умид соҳиби фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2011 йилдаги 48998,7 минг сўмдан 2013 йилда 114514,4 минг сўмга етган ёки 2,33 мартага ортган. Экин майдонининг бир ярим марта ортганлиги ҳамда ҳозирги мураккаб ўтиш шароитида бугдой етиштириш учун талаб қилинадиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиб бориши объектив жараён бўлганлиги учун ишлаб чиқариш ҳаражатлари ортиб бормокда. Ушбу ҳолат албатта биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигига ҳам тааллуқлидир.

Ривожланишга ҳаракат қилаётган Умид соҳиби фермер хўжалигида ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатларидан паст даражада ўстиришга эришилган. Бугдой ялпи маҳсулоти ҳажми 2011 йилдаги 62984,1 минг сўмдан 2013 йилда 163855,0 минг сўмга етган ёки 2,6 мартага ортган. Бунинг асосий омиллари сифатида ер майдонининг ошиши, 1 ц бугдойнинг сотиш баҳоси 24387,2 сўмдан 38134,2 сўмгача ортишини кўрсатиш мумкин.

Ғаллачилик тармоғидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқариш ҳаражатларини айириб ташлаш натижасида фермер хўжалигининг фойдаси ҳисобланади. Умид соҳиби фермер хўжалигида фойда 13985,4 минг сўмдан 49340 минг сўмгача ёки 2011 йилга нисбатан 3,52 мартага ошган.

Асл моҳиятини олиб қаралганда фермер хўжалиги аъзолари асосан ўз оила аъзолари бўлганлиги учун ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибидаги иш ҳақи фермер хўжалигининг ўзида қолади, деб айтиш мумкин. Шунинг учун иш ҳақини фойдага қўшиш натижасида фермер хўжалигининг даромадини аниқлаш мумкин.

Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланган. Жумладан 1 гектар бугдой экилган майдонга тўғри келувчи ялпи маҳсулот

ҳажми 2011 йилдаги 1441,3 минг сўмдан 2013 йилда 2497,8 минг сўмга етган ёки 2011 йилга нисбатан 73,3%га ошган.

Маълумки, ғаллачиликда пахтачиликдагига қараганда анча кам меҳнат сарфи талаб этилади. Шунинг учун хўжаликдаги мавжуд ходимларнинг 10 нафаригина ёки 15,9 фоизи буғдой етиштиришдаги агротехник тадбирларни амалга ошириш учун жалб қилинган.

Умид соҳиби фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида ишлаш учун жалб этилган ишчиларнинг ўртача ҳар бирига тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2011 йилдаги 7873 минг сўмдан 2013 йилда 16385 минг сўмга етган ёки 2 мартага ортган. Шу ўринда ҳар бир ишчининг йиллик иш ҳақи 2656,7 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридаги барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда ғаллачиликда якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабелликни аниқлаш мумкин. Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2011 йилдаги 28.5% даражадан 2013 йилда 43,1% гача ошган.

Бу кўрсаткичнинг пасайиши сабаби юқорида таъкидланганидек, ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан паст даражада ўсиши ҳисобланади. Аммо бу ҳали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай олмайди. Ҳозирги шароитда оптимал рентабеллик бўлган 50-55%ли рентабеллик даражасига эришиш учун ҳали имкониятларни топиш зарур.

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш ҳаражатларининг мунтазам ортиб бориши қонуниятли жараёндир. Умид соҳиби фермер хўжалигида буғдой етиштириш учун сарфланган

ҳаражатларни 9-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

9-жадвал

Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида бугдой
етиштириш ҳаражатлари ва уларнинг таркиби

№	Ҳаражатлар тури	2011 й		2012 й		2013 й	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1	Моддий ҳаражатлар	29497,2	60,2	64672,5	60,4	69281,2	60,5
	а) уруғлик	10338,7	21,1	22592,5	21,1	22673,9	19,8
	б) ўғитлар	7839,8	16	18309,6	17,1	18894,9	16,5
	в) Ё.М.М	6026,8	12,3	13170,1	12,3	15001,4	13,1
	г) иш ва хизматлар	3478,9	7,1	7388,1	6,9	8245,0	7,2
	д) бошқа моддий ҳаражатлар	1813,0	3,7	3212,2	3	4466,1	3,9
2	Меҳнат ҳақи ҳаражатлари	11220,7	22,9	26018,9	24,3	26567,4	23,2
3	Ижтимоий ажратмалар	3037,9	6,2	6504,7	6,1	6641,8	5,8
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эски-риши	2400,9	4,9	8994,2	8,4	5954,8	5,2
5	Бошқа ҳаражатлар	2841,9	5,8	7816,4	7,3	6069,3	5,3
	жами	48998,7	100	107073,7	100	114514,4	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг салмоқли қисмини моддий ҳаражатлар эгаллайди ва 2011-2013 йилларда мос ҳолда 60,2-60,5 фоизни ташкил қилган. Моддий ҳаражатлар таркибига эса, маълумки, бевосита ҳосилдорликка таъсир этувчи уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, иш ва техник хизматлар, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби ҳаражатлар киради.

Уруғлик учун ҳаражатлар 2011 йилда 10338,7 минг сўм, 2013 йилда 22673,9 минг сўмни ташкил қилиб, мос даврлардаги умумий ҳаражатларда 19-21 фоизни ташкил қилган.

Нефт базаси билан ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Қишлоқ хўжалигида бугдой етиштириш жараёнида ерни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби кўрсатиладиган техник хизматлар учун маълум миқдорда ёқилғи

сарфланади. Моддий харажатлар таркибида ёқилғи учун сарфланган харажатлар 2011 йилда 6026,8 минг сўмдан 2013 йилда 1501,4 минг сўмга етган. Ёқилғи-мойлаш материалларининг жами буғдой етиштириш харажатларидаги салмоғи таҳлил даврида 12,3-13,1 фоизни ташкил этган.

Меҳнат ҳақи харажатлари ҳам жами ишлаб чиқариш харажатларининг 22,9-23,2 фоизи миқдорида сарфланган. Хўжаликдаги ишчиларни моддий жиҳатдан яхши таъминлаш, албатта меҳнат натижаларидан манфаатдорликни оширади. Шу сабабли хўжаликда таҳлил даврида жами 11220,7 минг сўм ва 26567,4 минг сўм иш ҳақига ажратилган.

Умид соҳиби фермер хўжалигида иш ҳақи фондидан ижтимоий ажратмалар ўтказиб борилган. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида 2011 йилдан бошлаб 25% ажратилган бўлиб, 3037,9 минг сўмдан 6641,8 минг сўмгача ошган.

Умид соҳиби фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари барча элементлари бўйича 2011 йилга нисбатан кескин ўсган бўлсада, ялпи маҳсулотнинг ундан юқорирок даражада ошиши ҳисобига юқори рентабеллик даражасига эришилган. Жами ишлаб чиқариш харажатларини етиштирилган ялпи ҳосил миқдorigа бўлиш натижасида бир центнер буғдой ҳосилининг таннарни келиб чиқади. Умид соҳиби фермер хўжалигида бир центнер буғдой таннарни кўрсаткичи 2011 йилда 18972,1 сўм ва 2013 йилда 28051,1 сўм миқдorigа тўғри келади.

Мазкур ҳолат Умид соҳиби фермер хўжалигида барча ишлаб чиқариш харажатларини тўғри режалаштирилган ҳолда оқилона сарфланганлигини ва шунинг натижасида ижобий 43,1% лик рентабелликка эришганлигини кўрсатади.

**3-БОБ. ЖАЛАҚУДУҚ ТУМАНИДАГИ УМИД СОҲИБИ ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИГИДА ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ
ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**3.1. Биопрепаратларни ишлаб чиқаришда ва қўллашда ишчилар
меҳнат шaroитларини яхшилаш**

Хозирги вақтда Республикамизда 1000 дан зиёд биологик лабораториялар ва биофабрикалар ишлаб турибди.

Биолаборатория ва биофабриканинг асосий вазифаси лаборатория шaroитларида барча турлардаги тунламларнинг ва бошқа зараркунандаларнинг тухумлари ҳамда қуртларига қарши қулланиладиган фойдали энтомофаглар, трихограммалар ва браконларни устиришдан иборатдир.

Ишлаётган биолабораторияларнинг бир қисми типовой лойиҳа асосида қурилган ва механизациялашган («Миконд» заводида тайёрланган) линиялар билан жиҳозланган, қолганлари эса мослаштирилган биноларга жойлаштирилган, қўпчилик биолабораторияларнинг меҳнат шaroитлари санитария-гигиена талабларига мос келмайди.

Трихограммани саноат негизида ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнлари қуйидагилардан иборат бўлиб, донни автоклавларда зарарсизлантириш, донни дон қуяси тухумлари билан зарарлаш, тухумларни дезировка қилиш, термостатларда ситотрога тухумлари олиш, уларни тухумлардан ажратиш ва трихограмма тухумлари билан дон қуяси тухумларини зарарлайди.

Технологик жараёнида зарарланган дон қаватларини алмаштириш, донни намлаш, дон қуяси тухумларини кераксиз аралашмалардан ажратиш, қапалакларни термостатлаш ва озиклантириш қабил жуда қўп ишларни қўлда бажариш қўзда тутилган

Қапалакларнинг қанғилари, дон қуяси ва трихограмма тухумлари, қапалакларининг панжалари, муртлари, бошлари ва қанотлари, шунингдек қанот тангачаларининг синикларидан иборат қанғилар ишлаб чиқариш бинолари қавосини ифлослайди. Иш қаноси қавосида органик (оксидли) қанғил

микдори анча купаяди (36-54) мг/м⁰ га етади. Санитария нормаларига кура иш зонасидаги оксидли чанг 0,1 мг/м⁰ дан ошмаслиги керак. Ишлаб чиқариш биноларининг микроклими (хаво харорати 32-34С⁰, хавонинг нисбий намлиги 75% гача ва унинг юриш тезлиги 0,5-0,6 м/сек булиши) ҳам мухим ахамият касб этади.

Микроклим коникарсиз булиши устига хавода оксилли чанг купайиши окибатида ишчилар узларини ёмон хис киладилар. Бинобарин, трихограмма етиштириладиган жойларда технологик жараёни такомиллаштириш, жихозларни зич беркитиш ҳамда ишлаб чиқариш биноларининг микроклимини яхшилаш зарурати тугилади.

Трихограмма (тухумхур) дон куяси тухумлари билан аралаштирилиб, учиб чиқишидан 3-5 соат олдин сочилади. Бунинг учун хар бир гектарга 80 мингтадан нормада чиқарилади ёки дон куяси тухумларининг ёгоч кипиги билан аралаштирилгани (гектарига 4-5 кгдан сарифлаб) кулда сочилади ёки трактор пуркагичи ёрдамида (гектарига 9-10 кг дан) ишлатилади.

Микробиологик препаратлар ишлаб чиқариш. Кристалл спора хосил килувчи бактериялар асосида (дендробациллин, БИП битоксибациллин каби) бактериал препаратлар ишлаб чиқариш иккита асосий технологик жараёнларидан ташкил топади: микроб массаси устиришга оид ишлар бажариладиган ферментация участкаси ҳамда микроб массасидан комерция препарати олинадиган тайёр махсулот участкаси.

Ферментация участкаларида меҳнат шароити бирмунча огир булиб, иш зонаси хавосининг хар 1м³идаги бактериялдари 20 мингача, хавонинг чанг билан ифлосланиши 1,5 г/м³ гача боради. Шу боисдан бактерияли препаратлар ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароити яхши бўлмаса, ишловчиларнинг касалланиш даражасига таъсир курсатиш мумкин.

Бундай хол бу соҳада узок йиллардан бери ишлаб келаётган кишиларда кузатилади. Уларда купинча нафас олганлари касалланади, тери яллигланади, куз шиллик каватлари кизаради. Бакпрепаратларга нисбатан организм сезгирлиги ошади ва бундан аллергик касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Микробли препаратларнинг қишлоқ хўжалигида қулланиши натижасида улар атроф муҳитни (хаво, тупрок ва сувни) озик-овқат махсулотларини,

трактор кабинаси хавосини ифлослайди.

Шу билан бирга препарат авиация усулида ишлатилганда 7-10 кун давомида 1500 метргача, трактор воситасида кулланганда эса 500-700 метргача масофада атмосфера хавосида бактерия споралари топилади.

Микробли препаратлар ишлатилган куни ўсимликларда, сабзавот ва баргларда препаратларнинг споралари маълум микдорда топилади.

Пуркаш учун микробли препаратларнинг суюк эритмаларини тайёрлашда бир канча ишлар килинади, чунончи, таралар очилади, препаратлар тортилади, улар идишларга солинади, аралаштирилади ва хакозо. Натижада препаратларнинг маълум микдори иш зонаси хавосига таркалади.

Дендробациллин, битоксибациллин спораларининг ва бошка микробли препаратларнинг тирик колишини урганиш натижаларига кура, трингиензис бактериялари тупрокда купаймади-ю, бир ойгача тупрокда сакланади, лекин тупрок микрофлорасининг хаёт фаолиятига караб салбий таъсир килмайди.

Шундай килиб, микробиологик препаратлар ишлаб чиқариш жараёнида ва уларни қишлоқ хўжалигида куллаш натижасида атмосфера, тупрок ва сув хавзалари биопрепаратлар билан анча ифлосланади ва бу холни одам организми учун хам зарарсиз деб бўлмайди.

Шунинг учун профилактик тадбирлар комплексини ишлаб чиқариш мақсадида турли хид иссиқконли хайвонлар устида талай экспериментлар утказишга тугри келади.

Гигиенист олимларнинг аниқлашларича, захарларнинг таъсир килиши уларнинг концентрацияга хамда канча вақт таъсир курсатишига, организмга тушиш йулига, организм ҳолатига боғлиқ булади. Бошқача айтганда, буни концентрация вақт самарадорлик деса булади. Тирик организмга таъсир киладиган ҳар бир (биологик ва химиявий препарат) агентни самарали концентрацияларнинг маълум микдори, яъни юкори дозалари захарласа таъсир курсатмайди. Масалан, юкори концентрациялардаги кислород захарли бўлса (ўпка шишига олиб келади), бошка концентрациядагиси хаётни саклаш учун зарурдир.

3.2. Умид соҳиби фермер хўжалигида ўсимликларни химоя қилишни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш

Аграр соҳа ходимлари ўтган йилни сарҳисоб қилиб, жорий йилнинг устувор режаларини тузиб олмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида ҳам вазирлик тизимидаги компания, уюшма, бирлашма, корхона ва ташкилотларда 2013 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги мажлисида белгилаб берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш хусусида атрофлича фикр юритилди.

Йиғилишда таъкидландики, мамлакатимиз иқтисодининг барча соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам 2013 йил улкан ютуқларга бой бўлди. Соҳадаги юксалишларни Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида эътироф этди.

Жумладан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди.

Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 9 та лойиҳа бўйича 5334,6 млн сўмлик ёки 143,6 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. Изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички

махсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хом-ашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди.

Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди. Натижада аҳоли жон бошига сабзавот ишлаб чиқариш 283,2 кг, картошка 76 кг, полиз 50,8 кг, мева 76,9 кг ва узум 43,2 кг. га тўғри келмоқда. Бу эса тиббий талаб меъёрига нисбатан 1,5–2,5 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда жами 71 минг 652 та фермер хўжалиги фаолият юритиб, уларга 5 млн. 854 минг 789 гектар ер майдонлари ижарага берилган, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келган ўртача ер майдони 81,7 гектарни ташкил этмоқда. 2013 йилда 18 минг 346 та фермер хўжаликларида кўшимча ишлаб чиқариш соҳаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатишни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Жумладан, 1525 та фермер хўжалигида қорамолчилик, 679 та фермер хўжалигида паррандачилик, 711 та фермер хўжалигида балиқчилик, 695 та фермер хўжалигида асаларичилик йўналишлари ташкил этилди ҳамда 446 та фермер хўжалигида 2,4 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 1365 та фермер хўжалигида 5527 гектар майдонда маҳаллий боғлар ва 999 та фермер хўжалигида 4,5 минг гектар майдонда янги токзорлар барпо этилди.

Ўтган йили миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Улкан хирмонга 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир.

Юртбошимизнинг фермер хўжаликлари қишлоқларимизнинг таянч устунидир, дея таърифлагани бежиз эмас. Бу борада кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда.

Маълумки, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди. Ўтган йилда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича жами 227,5 млрд сўмлик бюджет маблағлари ажратилиши мўлжалланиб, ушбу маблағлар 100 фоиз ўзлаштирилди.

Натижада мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшиланган 12387 та фермер хўжалигининг 352122 гектар майдонида пахта ҳосилдорлиги 2 ц/га. га ошди. Биргина ўтган йилги мелиорация тадбирлари натижасида келгусида

260 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Жумладан, биргина кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш натижасида қишлоқ жойларда 90,9 мингта янги иш ўринлари яратилди. Қишлоқларимиз тобора чирой очиб бораётгани, аҳоли учун барча қулайликларга эга уй-жойлар қурилаётгани нафақат мамлакатимиз аҳли, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Демак, бошқа соҳалардаги каби аграр соҳа ходимлари олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Шунингдек, ҳайъат йиғилишида вазирлик ҳамда тизимдаги республика ва ҳудудий ташкилотларда ижро интизоми, ҳужжатлар ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, идоравий иш юритишнинг замонавий услубларини жорий этиш борасида амалга оширилган тадбирлар каби масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ҳайъат йиғилишида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва унинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштираётган фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур ўрганиш талаб этилмоқда. Чунки пахта етиштириш учун зарур бўлган ёқилғи, минерал ўғитлар, уруғлик, техник сервис хизматлари каби моддий-техника ресурсларининг баҳолари эркин нархлар туфайли юқори даражада ўсиб кетмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ноқулай бўлган номутаносибликларни келтириб чиқармоқда. Пахта таннархини камайтириш ва самарадорликни ошириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республика тўла иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиш учун санот маҳсулотларини ва саноат учун керак бўладиган хом ашёни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ривожлантириш зарур. Саноат учун ва чет элларга валютага сотиладиган қишлоқ хўжалигидаги асосий хом ашёмиз пахтадир. Маълумки, кейинги йилларда аҳолига томорқа хўжалиги ер ажратиб бериш, мева-сабзавот, ғалла

ва бошқа озуқа экинларининг бир қисми илгари пахта экиб келинаётган ерлар ҳисобига кенгайтирилмоқда, натижада пахта экиладиган майдонлар камайди. Бу эса ўз навбатида пахтадан олинадиган ялпи ҳосилни камайишига олиб келади. Пахтани ялпи ҳосилини камайтирмаслик учун илм-фан ютуқларидан илгорлар тажрибасидан ва бошқа имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Шундай имкониятлардан бири ғўзани зарарли организмлардан ҳимоя қилишдир.

Умид соҳиби фермер хўжалигини у жойлашган Жалақудуқ туманидаги фермер хўжаликларининг 2013 йилда пахта етиштиришдаги иқтисодий самарадорликнинг ўртача кўрсаткичлари билан таққослаймиз.


10-жадвал

Жалақудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини туманнинг ўртача кўрсаткичлари билан таққослама маълумотлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Жалақудуқ туманининг фермер хўжаликлари бўйича ўртача	Умид соҳиби фермер хўжалиги	Туманга нисбатан %
1	Экин майдони	га	7830	62,4	X
2	Ҳосилдорлик	ц/га	26,7	31,1	116,5
	Ялпи ҳосил	ц	209061,0	1940,6	X
3	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	16020344,4	133102,1	X
	Шундан иш хаки	м.с	4549778	39132,0	X
4	Ходимлар сони	нафар	6054	53	X
5	1ц пахтани таннархи	сум	76630	68586,7	89,5
6	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	80640	81725,4	101,3
7	Ялпи маҳсулот	м.с	16858679,0	158599,6	X
8	Фойда	м.с	838334,61	25497,5	X
9	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2153,1	2541,7	118,0
	б) фойда	м.с	107,1	408,6	381,6
10	1 ходим ҳисобига ялпи маҳсулот	м.с	2784,7	2992,4	107,5
11	Рентабеллик	%	5,2	19,2	+13,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Умид соҳиби фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги туманнинг ўртача кўрсаткичларига нисбатан бирмунча юқори. Жумладан туманга кўра ҳосилдорлик даражаси 16,5% га, ҳосилни фақат юқори навларга сотиш эвазига эса 1 ц пахтани сотиш баҳоси 1,3% га юқорироқ. Маҳсулот таннархи анча паст, яъни 89,5% ни ташкил этмоқда, якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси 13,9% га юқорироқни ташкил этган. Бу эса мазкур хўжаликда харажатлар оқилона сарфлангани ва ердан, техникадан, сувдан, меҳнат ресурсларидан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланилганини тасдиқлайди.

2-чизма



Хар йили қишлоқ хўжалиги зараркунанда ҳашоратлардан катта зиён кўриб, қишлоқ хўжалиги экинлари ва маҳсулотларга 100 мингдан зиёд турдаги ҳашоратлар зиён етказиб, улардан бир неча ундан ортиқ тури ўсимликчиликка катта иқтисодий зарар етказади. Кураш чоралари олиб борилмаган тақдирда ҳатто бир ёки икки турдаги зараркунанда ўсимликчиликни маълум соҳасида 50-60 фоиз ва айрим ҳолатда ундан ҳам кўпроқ зарар етказиши ҳамда соҳани иқтисодий самарасиз қилиб қўйиши ҳам мумкин. Жаҳон буйича хар йили қишлоқ хўжалик экинларининг

махсулотини 30 фоиздан ортиғи зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлар зараридан нобуд бўлмоқда. Ривожланган давлатларда юкоридаги зарарли органлар таъсирида 20-25 фоиз хосил нобуд бўлса, кам ривожланган давлатларда 40 фоиз хатто 50 фоизгача хосил нобуд бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши олдини олиш, хўжалик ва ташкилий чораларни кўриш, агротехник, механик, биологик, карантин тадбирлар асосида кураш олиб бориш ва худуддаги экологик мувозанатни сақлаш жуда зарур бўлган тақдирдагина атроф муҳитга таъсир этувчи иссиқконли организмларга ҳам фойдали организмларга зарар етказмайдиган экологик тоза инсектицидларни қўллаш уйғунлашган химоянинг асоси бўлиб қолмоғи керак.

Биологик усул қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларини жуда тез ривожланишини, кўпайишини олдини олишда бу зараркунандаларни табиий душманлари, йиртқичлар, паразитлар ва касаллик қўзғатувчи организмлардан фойдаланишга асосланади. Ҳозир мамлакатимизда бу усул жуда катта майдонларда жуда кўп ўсимликларни, жумладан ғўзанинг зараркунандаларига қарши қўлланилиб келмоқда. Ҳозир давлатимиздан 1000 дан ортиқ биологическая ва биофабрикалар мавжуд бўлиб, улар бир неча хилдаги энтомофагларни кўпайтириб ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда.

Ўсимлик карантини илгари бизда бўлмаган, лекин бошқа давлатларда мавжуд бўлган ўта ҳавфли зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларни кириб келишини олдини олишдан иборат. Бу тадбир давлатимизда жуда ҳавфли бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунанда, бегона ўт ва касалликларни кириб келиши ва тарқалишини олдини олишдан иборат бўлган давлат тадбиридир. Карантин сўзи италян тилидан олинган бўлиб *Guarante giorni* (қисқача *quarantine*) яъни 40 кунлик муддатни билдиради. Чунки айрим шарқ давлатларидан келган кемалар шу муддатда ушлаб турилган.

Кимёвий усулда химоя қилиш зарарли организмларни йўқотишда кимёвий моддалар - пестицидлардан фойдаланишга асосланган. Ўсимлик-

ларни кимёвий ҳимоя қилиш усули бир қатор афзалликларга ва катта универсаллик хусусиятларига эга, чунки уни барча қишлоқ хўжалик экинларида кўплаб зараркунандаларга қарши омборхоналар, иссиқхоналар, элеваторлар ва бошқа жойларни зарарсизлантиришда ҳам қўллаш мумкин.

Ғўза зараркунандалар билан кўп зарарланадиган экинлардан ҳисобланади. Ғўзанинг асосий зараркунандалари таснифини билиб олишдан уларга қарши курашни ташкил қилиш мумкин. Ғўзанинг сўрувчи зараркунандаларидан ўргимчаккана ғўзанинг ашаддий ва доим тушадиган зараркунандаси ҳисобланиб пахта ўстирилаётган зоналарда кенг тарқалган ҳаммаҳўр зараркунандадир. У 248 турдаги ўсимлик билан озиқланади. Ўргимчаккана айрим жинсли бўлиб танаси овал шаклида бўйи 0,3-0,6мм гача боради. Унинг баҳорги ва ёзги авлодлари кўкиш сариқ қишлаб чиқадиганлари тўқ сариқ-қизил рангда бўлади. Урғочиси ўзининг ривожланишида тухум личинка, нимфа, дейтонимфа ва етуклик фазаларини кечирази. Тухуми юмалоқ шарсимон бўлади. Бошқа фазалари имагога ўхшаб ундан кичиклиги билан фарқ қилади.

Кананинг ёзги авлодлари 8-12 кунда, майда 15-20 кун, апрелда 25-30 кунда бир авлоди ривожланади. Йил давомида 4-20 авлоди ривожланиб шундан 3-12 таси ғўзада ўтади. Ривожланиш вақтида уларнинг 40% ва ундан кўпроғи табиий равишда қирилиб кетади. Урғочиси ўрта толали ғўза навларида 100-160 тагача тухум қўйиб 30-40 кун яшайди. Ингичка толалида 40-50 та тухум қўйиб 10-15 кун яшайди, бегона ўтларда 30 тагача қўяди, 10 кундан кўпроқ яшайди.

Акация бити ғўзадан ташқари беда, оқ акация, ерёнғоқ, вика, бурчоқ, нўхот шунингдек полиз экинларига шикаст етказади. Бу ҳашорат ғўзани май июнь ойларида кўп зарарлайди.

Катта ғўза бити (*Acyrthosiphon gossypii* Merdv) Ўзбекистоннинг барча пахтазорларида учрайди. Ғўзадан ташқари мош, ловияга, бегона ўтларга, янтоққа кўпроқ тушади. Қандалаларнинг 13 тури ғўзага тушиши маълум, шулардан икки тури беда ва дала қандаласи айрим йиллари сезиларли зарар

келтиради.

Ғўза тунлами (*heliotis armigera* hb) кенг тарқалган зараркунанда бўлиб, ғўзага шоналаш вақтида тухум қўяди. Унинг биринчи авлоди бегона ўтларда ва помидорда ривожланади. Унинг тухуми гумбазсимон бўлиб диаметри 0.5-0.6 мм. Тухуми дастлаб оқиш, кейинчалик қўнғир тусга киради. Тухумини алоҳида-алоҳида қилиб ўсув нуқтасига қўяди. Тухумдан 4-5 кунда қуртлари чиқиб дастлаб ўсув нуқтасидаги барг билан кейинчалик шона, гул ва ҳосил органлари билан озиқланади. Озиқланиб бўлган қуртлар тупрокка тушади ва 5-12см чуқурликка кириб ғумбакка айланади. Ғумбагини бўйи 17-21 мм бўлиб, оч пушти рангдан жигар ранггача бўлади. Ғумбакдан 8-10 кундан сўнг капалак учиб чиқади. Битта урғочи капалак 600 тадан 3000 тагача тухум қўяди. Бир йилда 3-4 та авлод беради. Ғўза тунлами ғумбак ҳолида қишлаб чиқади.

Ғўза зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш тадбирларининг усуллари. Ғўзани зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилиш бу комплекс тадбирларни ўз ичига олади ва уйғунлаштирилган химоя қилиш системасини ташкил этади. Уларни ташкилий-хўжалик, агротехник, кимёвий ва биологик тадбирларга бўлиш мумкин.

Ташкилий-хўжалик тадбирлари.

Ғўза зараркунандалари, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашда қаратилган ташкилий-хўжалик тадбирлари асосида хўжаликнинг оператив режаси тузилиб, бунда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

- а) зарарли организмларнинг хўжаликда турлар бўйича тарқалиши.
- б) барча турдаги ўсимликларни химоя қилишда фойдаланиладиган аппаратура ва жиҳозлар, воситаларнинг ҳажмини белгилаш.
- в) ўсимликларни химоя қилиш ишлари бўйича биологическая лаборатория ва фермер хўжалиги аъзоларидан гуруҳ ташкил қилиш.
- г) санитария талабларига жавоб берадиган, пестицидлар сақлайдиган мослашган жойларни тартибга келтириш.
- е) экин майдонларини йириклаштириш.

Агротехник тадбирлар.

Вўза зараркунандаларига қарши кураш юзасидан ўтказиладиган агротехника тадбирлари асосан огоҳлантирувчи чоралардир. Бу тадбирлар бир жиҳатдан далаларни хавф-хатар туғдирадиган микдорда зараркунанда пайдо бўлишидан асрайди, иккинчидан, ўсимликларни зарарланишга чидамлигини оширади ва химоя тадбирларини самарадорлигини оширади. Агротехника тадбири зараркунандаларнинг кўпайиши ва ҳаёт кечиришини билишига асосланган бўлиб, зараркунанда турларининг кўпайишини уларга қарши хилма-хил агротехника турларининг қўлланилишини тақозо этади.

Республикада қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг истиқболли дастурида ўсимликларнинг касалликларига чидамли навларини яратиш, уларни қишлоқ хўжалигига жорий қилиш масаласи энг аҳамиятли масалалалардан бири деб белгилаб қўйилган. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири экиннинг ҳосилини нобуд бўлишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Пахта яккахоқимлиги шароитида бир хил ўсимликни ўстириш, минерал ўғит, гербицид, фунгицид ва бошқа кимёвий моддаларни меъёридан ортиқ микдорда қўллаш тупрок биогеоценозига салбий таъсир кўрсатиб, ҳозирги экологик шароитда турли касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда. Республика шароитида қишлоқ хўжалик экинларнинг касалликларига қарши кураш чораларини маълум микдорда тўлиқ амалга ошириш мумкин бўлганлигидан касалликларга қарши химиявий усулда кураш олиб бормоқда. Фунгицидларни қўллашга қилинган ҳаражатларнинг иқтисодий самарадорлиги ўсимликчиликдаги қилинган ҳаражатларни 30% ни ташкил қилади. Шунингдек уларнинг қўллаш тупроқдаги фойдали микроорганизмларнинг ва хашоратларнинг ҳалок бўлишига, инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Биолаборатория ва биологик фабрикалардан ишлаб чиқарилаётган трихограмма, бракон, олтинкўзларнинг сонини ва сифатини яхшилашга оид

масалалар биз таҳлил қилаётган Умид соҳиби фермер хўжалигида ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Шу билан бир каторда мазкур ҳудудлардаги мавжуд табиий фойдали хашоратларнинг кўпайиши учун шароит яратиш, уларнинг зарарли хашоратлар сонини камайтиришдаги роли хакида ҳам маслаҳатлар ташкил қилиш зарур.


Бундан ташкари биологик материаллар билан бирга кемирувчи зараркунандаларга қарши курашда феромон туткичлардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар баён этилади.

Маълумки, ҳозирги пайтда трихограмма кўпайтириш учун биология лабораторияларда ва биологик фабрикаларда асосан дон куяси капалаги тухуми – ситотрога целелелладан фойдаланилади.

Дон куяси капалагини яратиш учун арпа донини капалак куйган тухум-ситотрога целелелла билан зарарланади.

Бунинг учун арпа дони энг аввало хас-чўплардан яхшилаб тозаланиб ва уни 5-10 кгдан қайнаб турган сувга солиб 5 минут муддатда гидротермик усулда зарарсизлантирилади. Арпа дони қайнаб турган сувга солинганида арпа донидаги касаллик таркатувчи замбуруглар ва барча мавжуд зараркунандалар, айникса кориндор каналар уларнинг личинкалар кирилиб кетади. Сунгра бу арпа донини сувдан олиниб 2-3 минут давомида димланади ва 14-16% намлиги колгунча ёйиб қуригилади, сўнгра калинлиги 5 см қилиб махсус подносларга солиб стеляжларга қўйилади. Подносларга солинган арпа донининг микдорига қараб ситотрога тухуми қўйилади. Бир килограмм яхши етилган уруглик арпа донида 22-25 минг донагача арпа дони бўлади. 1 гр ситотрога тухумида эса ўртача 60 минг донагача тухум бўлади. Шунинг учун ҳар бир кг арпа дони учун 0,5 гр ситотрога тухуми қўйилиши керак, агар подноздаги арпанинг оғирлиги 10 кг бўлса, унга 5 гр дон куяси капалаги тухуми – ситотрога оқ қоғоз парчаларига солиниб, подносни 5-6 жойига қўйилиши лозим.

Умид соҳиби фермер хўжалигида ғўзани касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг иқтисодий самарадорлиги



Умид соҳиби фермер хўжалигига Жалақудуқ тумани Ёрқишлоқдаги “Солихжон орзу маскани” хусусий биолоботорияси хизмат қилади. Унинг бошлиғи Хошимов Хайрилло бўлиб, 14 нафар ходимлари ёрдамида ғўзага сиропли идиш, фермон тутқич каби қопқонлар, бракон, трихограмма ва бошқа фойдали ҳашаротлар каби биомахсулотлар қўйиб хизмат кўрсатади. Умид соҳиби фермер хўжалигининг 2013 йилда мазкур биолоботория билан ўсимликларни ҳимоялаш бўйича тузилган шартноманинг умумий қиймати 2036,5 минг сўмни ташкил этиб, 2013 йил 6 январ куни имзоланган. Йил якунига кўра мазкур шартнома ҳар икки томондан тўлиқ бажарилган:

химоялаш агротехникаси тўлиқ ўтказилди ва фермер хўжалиги томонидан пул тўлиқ тўланди. Бу эса пахтачиликда 2013 йилдаги жами моддий харажатларга нисбатан 3,15% ни, ўз навбатида таннархга кирувчи жами харажатлар таркибида эса 1,53%ни ташкил қилган.

Мазкур муҳим агротехник тадбирнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаганда харажатлар билан бирга унинг натижасида олинган фойдани ҳам албатта таққосланади. Юқорида таъкидланганидек, агар ўсимликларни химоялаш тадбирлари ўтказилмаса, ҳосилнинг 20-30% гача қисми йўқотилади. Мана шу усулдаги ёндашув орқали иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашимиз мумкин. 2013 йилда ҳақиқатда пахтанинг ялпи ҳосили 1940,6 ц бўлган ҳолда, тайёрлов ташкилотлари томонидан 158599,6 минг сўм миқдорида пул тўланган. Фойда миқдори эса 25497,5 минг сўмни ташкил қилган. Шу фойданинг 20% қисми 5099,5 минг сўмни ташкил қилади. Бу миқдорни 2036,5 минг сўмлик ўсимликларни химоялаш харажатларини сарфлаб ҳосилнинг нобуд бўлишини олдини олган ҳолдаги олинган фойда сифатида баҳолаш мумкин. Кўриниб турибдики, ўсимликларни химоялаш харажатлари тўлиқ ўзини оқлаб, катта фойда келтиради. Аниқроғи пахтачиликда 1 сўмлик сарфланган ўсимликларни химоялаш харажатлари охир оқибат 2.5 сўмдан кўпроқ фойда келтирмоқда.

Биолаборатория бошлиғи билан бирга унинг 14 нафар ходимлари хизмат кўрсатиладиган 15 та фермер хўжалигига ўз вақтида улгуриши қийин. Шунинг учун фермер хўжалигининг яна 6 нафар ишчиси билан бирга махсус гуруҳ тузиб, долзарб вақтларда биомахсулотлар қўйиш ишларига ёрдам кўрсатадилар. Истиқболда хўжаликнинг химоялаш ишларини такомиллаштириш орқали самарадорликни янада ошириш мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Кейинги йилларда ўсимликларни зараркунандалардан химоя қилиш ишига катта аҳамият берилмоқда. Асосий йўналишларда ҳосилнинг зараркунанда касаллик ва бегона ўтлардан нобуд бўлишини камайтириш тадбирларини кўриш, бунда ўсимликларни химоя қилишнинг биологик воситаларини кенг қўллаш ғоят муҳим вазифалардан биридир.

1. Ғўзани зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилиш бу комплекс тадбирларни ўз ичига олади ва уйғунлаштирилган химоя қилиш системасини ташкил этади. Уларни ташкилий-хўжалик, агротехник, кимёвий ва биологик тадбирларга бўлиш мумкин.

2. Ўсимликларни химоялаш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилмаса, пахта ҳосилининг 30-40% қисмигача нобуд бўлиши ва ялпи ҳосил қийматини кескин камайтириб, фойданинг ва ниҳоят иқтисодий самарадорликнинг пасайишига сабаб бўлади. Маълумки, ўсимликларни химоялаш ҳаражатлари моддий ҳаражатлар таркибидаги иш ва хизматлар учун ҳаражатлар туркумига тегишли бўлиб, унинг қиймати бевосита маҳсулот таннархига таъсир этади. Ўсимликларни химоялаш чоралари иқтисодий самарадорликни 25-30% гача ошириш имконини беради.

3. Жалакудуқ туманидаги Умид соҳиби фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини нисбатан яхши ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контракция шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги ва буларнинг натижасида ижобий 30,2% лик рентабелликка эришаётганлиги истиқболли хўжалик эканлигини тасдиқлайди. Пахтачиликда рентабелликнинг 19,2% гача ошишининг омили – бу ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсганлигидир.

4. Ўсимликларни химоялашнинг кимёвий, биологик ва уйғунлашган

ушуллари мавжуд бўлиб, бу хизматлар бозор иқтисодиёти шароитида хусусий биолабораториялар томонидан шартнома асосида кўрсатилмоқда.

5. Биологик усул қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларини жуда тез ривожланишини, кўпайишини олдини олишда бу зараркунандаларни табиий душманлари, йиртқичлар, паразитлар ва касаллик кўзгатувчи организмлардан фойдаланишга асосланади.

6. Кимёвий усулда ҳимоя қилиш зарарли организмларни йўқотишда кимёвий моддалар - пестицидлардан фойдаланишга асосланган. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш усули бир қатор афзалликларга ва катта универсаллик хусусиятларига эга.

7. Умид соҳиби фермер хўжалигига Солихжон орзу маскани хусусий биолабораторияси хизмат қилади. 2013 йилда тузилган шартноманинг умумий қиймати 2036,5 минг сўмни ташкил этиб, мазкур шартнома ҳар икки томондан тўлиқ бажарилган: ҳимоялаш агротехникаси тўлиқ ўтказилди ва фермер хўжалиги томонидан пул тўлиқ тўланди. Ўсимликларни ҳимоялаш ҳаражатларини сарфлаб ҳосилнинг нобуд бўлишини олдини олган ҳолдаги олинган фойда 5099,5 минг сўм ҳажмида баҳоланди.

8. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ўсимликларни ҳимоялаш ҳаражатлари тўлиқ ўзини оқлаб, катта фойда келтиради. Биолаборатория бошлиғи билан бирга унинг 14 нафар ходимлари хизмат кўрсатиладиган 15 та фермер хўжалигига ўз вақтида улгуриши қийин. Шунинг учун фермер хўжалигининг яна 6 нафар ишчиси билан бирга махсус гуруҳ тузиб, долзарб вақтларда биомахсулотлар кўйиш ишларига ёрдам кўрсатиш зарур. Истиқболда хўжаликнинг ҳимоялаш ишларини такомиллаштириш орқали самарадорликни янада ошириш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2010
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 мартдаги ПК-817-сон «2010-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сон фармойиши.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли қарори

12. Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги 4478-сонли Фармони.
13. Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори.
14. Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 апрелдаги 106-сон қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).
18. И.А.Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: Ўзбекистон 1993 й.
19. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
20. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т. Ўзбекистон

- 1998.
21. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил
22. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2012 йил
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» Халқ сўзи 18.01.2014.
24. О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2005
25. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.
26. Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.
27. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (дарслик). -Т.: 2004.
28. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.
29. Н.Ўронов. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси. –Т. 2004.
30. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
31. Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Меҳнат» 1998 йил.
32. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.
33. О' .Р.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.
34. О' .Р.Umrzaqov, A.J.Toshboyev, J.Rashidov, A.A.Toshboyev. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2012.

35. M. Mirzaabdullaeva. Fermer xo'jaligi faoliyatini huquqiy tartibga solish. – T.: Yangi asr avlodi, 2013.
36. P. Hakimov va b. Agrosanoat majmu'i iqtisodiyeti. – T.: TDIU, 2004
37. B. Salimov va b. Qishloq x'jaligi infratuzilmasi iqtisodiyeti. – T.: TDIU, 2004.
38. Kimsanbobaev X.X. Trixogrammani urchitish, saqlash va q'llash – T. Ukituvchi 1999.-12 b.
39. Xamraev A.Sh., Nasridinov K. U'simliklarni biologik himoyalash - T.: "Xalk merosi" 2003 – 286b
40. Saidova Z.X. Brakon k'usak kurтининг кушандаси – TashDAU, 2005 – 26 b
41. Sh. X'jaev, K. Turdaliyev. K'usak kurтини "jilovlab" b'ladimi? - U'zbekiston qishloq x'jaligi -1999, № 4 – B 38-39
42. K. Nasridinov, A. Kann, M. Saidaliyev, B. Egammaev. F'za tunlamiga qarshi feramon tuzokdan foydalaniш. U'zbekiston qishloq x'jaligi -1999, № 5
43. www.ziyonet.uz – U'zbekiston O'YMTB qoshidaги электрон kutubxona.
44. www.agro.uz -U'zbekiston qishloq va suv x'jaligi vazirligi veb-sayti
45. www.stat.uz – U'zbekiston Respublikasi statistika davlat q'mitasi.
46. Jalaquduq tumaniдаги Umид soхиbi fermer x'jalgининг 2011-2013 yillarдаги biznes rejaları, yillik hisobotlari va бошқа маълумотлар.